Mustaqil gazeta

HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan

№44 (298) 2002-yil 6-noyabr

"Ҳуррият" сизники,
Сиз ҲУРРИЯТники бўлинг!



Газетамизга обуна давом этмоқда.
Нашр кўрсаткичимиз:
Якка обуначилар учун — 233, ташкилотлар учун — 234.

Мулоҳаза

ДАДИЛЛИК ВА ОДИЛЛИК

давр журналистлардан шуни талаб қилмоқда

Юртбошимиз Олий Мажлисининг 9-сессиясида сўзлаган маърузасида жамиятимиздаги муҳим 7 та устувор йўналиш ҳақида гапирар экан, сўз ва матбуот эркинлигини ошкораликнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида алоҳида таъкидлаб ўтди.

Айниқса, Президентимизнинг ушбу сессияда қуюнчаклик билан айтган **"Жамиятимизни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатидан янгилаш борасидаги тўртинчи ва, ўйлайманки, энг муҳим устувор йўналиш – бу инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қоғозда эмас, амалий ҳаётда жорий қилишдир, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади",** деган фикрлари хусусида барча ҳамкасблар, жумладан, оммавий ахборот воситаларига ўзини алоқадор деб билган касб соҳиблари жиддий ўйлаб кўришларига тўғри келади.

Агар сизни ўраб турган борлиқни кузатадиган бўлсангиз, халқимиз ҳаётининг барча жабҳаларида мустақилликдан кейин оламшумул тарихий ўзгаришлар бўлганлигининг гувоҳи бўласиз. Бу ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлмаганлиги барчамизга аён. Чунки ҳаётда доимо яхшилик билан ёмонлик, ютуқлар билан камчиликлар ёнма-ён юришини яхши биламиз.

Оммавий ахборот воситалари халқимиз ҳаётининг кўзгуси эканлигини яна бир эсласак, кейинги йилларда бу кўзгуда ҳаётимизнинг аксарият ижобий томонлари, ютуқларимизгина акс этаётгандай. Қайси газетани олманг, ҳисоботлар, мақтовлар, ижобий маънодаги хабарлар билан тўлиб-тошган. Аксарият оммавий ахборот воситалари, вақтли нашрларни кузатганимизда, Президент маърузаларида таъкидлаган **"Ўйлайманки, ҳақиқий демократик матбуот кўрсатма асосида яшай олмайди ва яшаши ҳам мумкин эмас. Эркин матбуот реал вазият шароитида фаолият кўрсатиши, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг долзарб муаммоларини дадил кўтариб чиқиши, одамларни безовта қилаётган барча масалаларни жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этиши, ҳокимият ва бошқарув тузилмаларининг қабул қилаётган қарорлари ва фаолиятига танқидий, шу билан бирга, холис баҳо бериб бориши керак",** деган фикрларидан ҳали улар ва, шунингдек, журналистларимиз йироқдек кўринади. Бу ерда қатор ҳақли саволлар туғилади. Нима учун? Нега матбуотда танқидий ва эркин фикрлар кам кўринаётир?

Бунинг сабаблари ҳақида жиддий ўйлаб кўрганмизми?...

Ахир, тарихда ҳам, ҳозир ҳам ҳаётимиздаги, инсонлар тақдиридаги йирик ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар ҳеч қачон силлиқ ва текис кечмаган. Бошқа мамлакатлардагидек бизда ҳам ҳамма нарса ҳал этилган, муаммо ва камчиликлар йўқ бўлган давр ҳеч қачон бўлмаган. Ҳаётимиздаги турли муаммолар ва эркин фикрларни, ривожланиш учун тўғаноқ бўлаётган иллатларни жамоатчиликка ҳавола этиш илгари ҳам, ҳозир ҳам, асосан, журналистлар олдида турган энг муҳим вазифа бўлган.

"Оч қорним, тинч қулоғим" мақоли вужудимизга шунчалик сингиб кетганми, танқидий мақолалар, фельетонлар ва эркин фикрни ифода этувчи хабарлар газета саҳифаларида кескин кўпаймаяпти. Биз ҳаётимизнинг салбий жиҳатлари, халқимиз табиатига зид бўлган ҳолатларни, камчиликларни кўрсак-да, эшитсак-да ва билсакда, улар ҳақида кам ёзаяпмиз.

Ҳудди шу ўринда "Ҳуррият" газетасининг 1997 йил 5 мартидаги "Қонун журналист бурчини мустаҳкамлайди" мақоламдаги "Танқидий мақолаларнинг матбуотда танқис бўлиб кетиши сабабини, бизнингча, энг аввало рўзномаларга раҳбарлик қилаётган муҳаррирлардан, давр оқимини англаб етмаётган айрим ҳамкасбларнинг ўзидан сўрасак тўғри бўлар", деган сўзлар ёдимга тушди.

Бизнингча, муҳаррирларимизнинг ўзи бу долзарб муаммони ҳал этишга бош-қош бўлмас эканлар, бу борада пайдо бўладиган барча ташвиш, тазйиқ ва қийинчиликларни ўз зиммаларига олиб, ташаббус кўрсатмас эканлар, ҳали кўп вақтгача эркин фикрлар, танқидий мақола ва фельетонларнинг журналистика ҳукмига ҳавола этилиши амримаҳол.

Бир сўз билан айтганда, бу масалада ҳар бир муҳаррирнинг касбий жасорати, мустақиллиги ва кўпроқ "иссиқ жойини" эмас, балки ўз ўқувчилари, халқни назарда тутишларига боғлиқ.

Бу ўринда муҳаррирлар, "Катталар нима деркин, оқибати нима бўларкин", деб юқорига кўз тутиб юраверсалар, ҳали-бери бу масалада ўзгариш бўлишига умид боғлаб бўлмайди.

Кундалик нашрларимизда танқид ва фельетонларнинг кам ёзилаётгани ҳақида фикр юритар эканмиз, ушбу мавзуларни топиш ва муҳимларини ҳақида қалам тебратиш борасида журналистларимиз нўноқ, уларда касб маҳоратлари етишмаётир, десак бир ёқлама фикр юритган бўлур эдик. Чунки давр билан ҳамнафас бўлган журналистларимизнинг ҳаётдаги ютуқ ва камчиликларни кўрмаслиги, сезмаслиги мумкин эмас. Аммо ҳаётдаги салбий ҳолатларни қоғозга туширишга ва уни газетхонлар ҳукмига ҳавола қилишда журналистларда жасоратнинг етишмаслиги оқибатида ундан келиб чиқадиган кўнгилсизлик, қолаверса, ҳаётда мавжуд бўлган турли таъқибларга бардош бериш қобилиятининг шаклланмагани ҳам бу борадаги ишларимизнинг олға силжимаётганига сабаб бўлса ажаб эмас.

Бу ўринда хориж матбуоти, уларда кўтарилаётган мавзулар, журналистлар иш услуби, фаолияти ҳақида жиддий ўйлаб кўрсак, фойдадан холи бўлмайди.

"...жамоатчиликнинг, халқнинг ҳокимиятга нисбатан, Президентга нисбатан, умуман, мансабдорларга нисбатан билдирган фикрини ифодаловчи матбуотгина демократик матбуот ҳисобланади. Одамларда ҳар хил фикр бўлиши табиий: ҳокимият биттасига ёқади, биттасига ёқмайди. Биттасининг ҳафачилиги бор, биттасининг аламзадалиги, биттаси нима исташини ўзи ҳам билмайди. Матбуот буларнинг ҳаммасини бериши керак, шунга биз чидашимиз даркор. Ана ўшандагина матбуот демократик матбуот бўлади". Юртбошимиз Олий Мажлисининг 14-сессиясида **"оммавий ахборот воситалари ҳар бир киши ўз фикрини ифода эта олишига имкон берадиган эркин минбар бўлиши керак"**лигини ҳам таъкидлаган эди.

Фельетон ёзишни ният қилган журналист учун ҳаётимизда мавзулар хоҳлаганча топилади. Бу борада фақат тергов олиб борилаётган ёки суднинг ҳукми эълон қилинган материалларга асосланиш шарт эмас. Айтайлик, қонунлар ва қонун ҳужжатлари талабларини амалга оширмаётган уқувсиз раҳбарлар фаолияти, халқ хўжалигидаги камчиликлар, иқтисодий, маданий ва маиший ҳаётимиздаги салбий ҳолатларнинг ўзи журналист учун муҳим мавзулар эканлигини ким инкор қилиши мумкин? Энг муҳими, булар ҳақида маҳорат билан ҳаққоний ёзиш ва уни жасорат билан ўқувчилар ҳукмига ҳавола этишдир.

Жиноий иш қўзғатилиб тергов кетаётган ёки суд ҳукми эълон қилинган материаллар ҳақида ёзиш қаёқда-ю, сиз ёзган танқидий мақола асосида жиноий иш қўзғатилиб, "қаҳрамон"ингиз судда жавоб бериши қаёқда? Биз бу билан ҳамма танқидий мақола ва фельетонларга мана шу нуқтаи назардан ёндошмоқчи эмасмиз. Танқиднинг биринчи вазифаси ўша камчиликни бартараф этиш ва бунга жамоатчилик фикрини уйғотиш, шу билан бирга бундай камчиликка қайта йўл қўймаслик. Бу эса, жамият учун, халқ учун доимо фойдали эканлиги исбот талаб этилмас фикрдир.

Яқинда бир ҳамкасб дўстимиз суҳбатда куйиб-пишиб ўзи тайёрлаган танқидий мақоланинг босилмаслик сабабини раҳбаридан сўраганда, "жуда қалтис мавзу-ку, буни катталар кўриб қолса, нима дейди", қабилидаги жавобни эшитганини ва раҳбарга қарата: "Ахир, биз фақат катталар учун, уларнинг кўнглига қараб мақола тайёрламаймиз-ку. Мен буни кенг жамоатчилик, халқни назарда тутиб тайёрлаган эдим", деб сўз қайтариб, сал-манга бориб қолганини гапириб берди.

Бу ерда яна Президентимизнинг матбуотда хилма-хил фикрларнинг берилиши, шунга чидаш кераклиги ҳақидаги фикрлари ёдимизга тушади ва жасоратсиз таҳририят муҳаррирининг журналистга "цензура" бўлгандан кўра, унга бу масалада дадиллик билан ҳар томонлама ёрдам берса, фойдали бўлиши хусусида ўйлаб қоламиз.

Холмурод АЛЛАНАЗАРОВ,
Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари Бош бошқармаси бўлим бошлиғи

Анжуман

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мамлакатимизда Болалар спортини ривожлантириш фондини тузиш ҳақидаги Президент Фармони ҳамда бу борада Вазирлар Маҳкамаси Қарорини амалга оширишга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б. Махситов, Миллий Олимпия қўмитаси раиси С. Рўзиев спортни ривожлантириш учун яратилган янги имкониятлар, ушбу муҳим ҳужжатларнинг моҳияти, уларни амалга оширишда жамоатчилик иштироки ҳақида сўзладилар.

СУРАТЛАРДА: анжуман пайти.

Ш. ЗУФАРОВ олган сурат.

Муаммо

ОИТС. ГИЁҲВАНДЛИК

Бугун ИНСОН муаммолар гирдобида. Айниқса, ОИТС (Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми), гиёҳвандлик каби бир қатор иллатлар дўппини қўлга олиб ўйлашга мажбур қилмоқда.

Аниқлашимизча, сўнгги ўн йил мобайнида айни мана шу мавзуда ОАВ орқали 250 дан зиёд мақола, 185 дан зиёд телекўрсатув ва 130 га яқин радиоэшиттириш тайёрланган. Бундан кўриниб турибдики, ОИТС ва гиёҳвандлик муаммоси чуқур ўйлаб, мулоҳаза юритишга арзигулик. Ушбу касалликнинг илк белгилари Африкада (1959 йил) аниқланган, унинг биринчи қурбони АҚШда (1981 йил) қайд этилганидан хабарингиз бўлса керак. Бироқ, бу эпидемиядан дунё бўйича 25 млн. одам ҳалок бўлгани-ю яна 63 млн. одам шу касаллик билан яшаб келаётганини кўпчилик эшитмаган-ов...

Ер юзида бир кеча-кундузда 18 минг нафар инсон ОИВ (одам иммунитет вируси) инфекцияси билан касалланадиган бўлса, шундан 10 минг нафари ОИТС туфайли ҳаёт билан видолашмоқда. Бу ҳар дақиқада 11 эркак, аёл ёки бола вафот этаётганини кўрсатади. Номи ҳам, ўзи ҳам хунук бўлган бундай иллатлар бизга ҳам таҳдид солаётгани сир эмас. Маълумотларга қараганда, республикамизда ОИВ билан 1200 та (2001 йил), гиёҳвандлик билан биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 3500 дан зиёд фуқаро касалланган. Қаранг, оддий "чекишиб қўяйлик"дан бошланувчи иллатнинг қуламини.

Ўтган ҳафтада "Бунёдкор" ёшлар телеклубида "Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ОИТС ва гиёҳвандликнинг олдини олиш юзасидан тренинг-семинар бўлиб ўтди. Семинарда "Камолот", ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ ташкилотиларидан вакиллар қатнашиб, ёшларни юқоридаги иллатларга қарши биргаликда курашишга чақирдилар. Тренинг ёшлар томонидан илиқ кутиб олинди ва бу ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Тадбир сўнгида кичик тадқиқот ўтказдик. Сўров варақасидаги "Сиз сигарета чекасизми? деган саволга иштирокчиларнинг 25 нафари "йўқ", 10 нафари "ҳа" деб жавоб берган бўлса, 7 киши жавоб беришни умуман истамади. Ҳайъатда ўтирган 9 кишидан 4 нафари ҳам чекувчилардан экан...

Давлатжон ПОЛВОНОВ,
"Ҳуррият" мухбири

Муносабат

ҚАЙСИ БУЛОҚДАН СУВ ИЧАЯПМИЗ?

("Қачон қиёмат қойим бўлади?" "Ҳуррият" 2002 йил 25 сентябрь) ("Бизни ким ховуздаги балиққа айлантирмоқчи?" "Даракчи" 2002 йил 41-сон)

Мамлакатимиз матбуот нашрларида оммавий ахборот воситалари фаолиятига турли нуқтаи назардан баҳо берувчи мунозарали мақолалар кўпайиб бормоқда. Бу, албатта, ижобий ҳолат. Ахир, қадим дунё мутафакири Суқрот ҳам "Ҳақиқат баҳсларда туғилади", деб айтган-ку! "Даракчи" газетасининг 2002 йил 41-сонида журналист Шавкат Болтанинг "Бизни ким ҳовуздаги балиққа айлантирмоқчи?" номли мақоласи эълон қилинди.

Бунда муаллиф "Ҳуррият"нинг жорий йил 25 сентябрь сонида чоп этилган "Қачон қиёмат қойим бўлади?" ҳамда "Эсмеральда ва олти ёшли ошиқ" мақолаларига муносабат билдиради. Мақоладан "газетани тушуниш ва телевизор кўриш маданиятимиз қай даражада" экани ҳақида кўп маълумотлар олдим. Бироқ ҳар бир инсоннинг бармоқ излари бир-бирига мос келмагани каби фикрлаш тарзи ҳам турлича бўлади. Шу маънода мутолаа жараёнида айрим эътирозлар туғилгани мутлақо табиий бўлса керак.

Журналист Ш.Болта мақола аввалида "Қиёмат қойим қачон бўлади?" да берилган "Абдуҳалим ота ўгити" унга унчалик "ботмагани"ни ёзади. Аввало, мақола фикр уйғотгани унинг ижобий жиҳатидир. Қолаверса, Ш.Болта бу фикрларини "Ҳуррият"га йўллаганида, чиройли баҳс очилган бўларди. Газета мухлислари яхши билишадики, "Ўгит"да қалам ва қоғознинг муқаддаслиги, "Даракчи"да Қиёмат ҳақида эълон қилинган хабар айни шу ҳақиқатни унутиш оқибати экани ҳақида кекса отахоннинг фикри баён қилинганди. Мақола муаллифи ҳам бу фикрлар хусусийлигини таъкидлаб, "мавзу юзасидан ўз фикрлари борлигига ишора қилган". Хуллас, мақола бир фикрни тиқиштириш учун эмас, чиқишларимиз халқимиз орасида қандай фикр уйғотаётгани ҳақида тасаввур бериш, мунозара қўзғаш илинжида берилганди.

Ҳақиқатдан ҳам, журналистнинг ёлғон-яшиқ каромат, башоратларга эмас, аниқ далилларга суяниб қалам тебратишига ишонган халқимиз Қиёмат ҳақида фол очишлардан сўнг қўрқув, ваҳимага тушганини тан олиш керак. Юқоридаги мақола муаллифи эса мазкур ҳолатни "кучукнинг қулоғидай кичкина хабарни бутун дунё матбуоти босиб чиқарганда, нега биз бермаслигимиз керак?" деган мазмунда талқин этади.

Аввало шуни айтиш керакки, "кучукнинг қулоғи" у ёқда турсин, "сичқоннинг қулоғидай" митти хабар ҳам бутун дунёни остин-устун қилиб юбориши мумкин. Қолаверса, муаллиф биз Шарқда яшаётганимизни, бу кўҳна заминда фолбинлик, башоратгўйлик азал-азалдан қаттиқ қораланишини унутиб қўйган кўринади. Агар биз ҳам бутун дунё матбуоти, етакчи нашрлари, Интернет тармоғида берилаётган турли хил хабарларни беришимиз керак, дейишдан олдин мулоҳаза қилиб олсак, ёмон бўлмасди. Мабодо жаҳон матбуотига шу жиҳатдан "тенглашиш" учун ҳаракат қилсак, балки эртага биз ҳам матбуотимизда фашизм, мазахизм, ёки садизмни тарғиб этувчи мақолаларни беришимиз ёки интернетнинг айрим саҳифаларидаги очиқдан-очиқ фаҳш, залолатга бошловчи маълумотларни эълон қилишимиз керакдир?!

Мақола муаллифи чет эл ОАВга қаттиқ ихлос қўйган кўринади. Зеро, "Хорижда, масалан, минглаб телеканаллар, номерлар бор. Ҳар ким ўзи истаганини кўради, ўқийди. Биз нима учун шунга ўрганмаяпмиз?" деган куюнчак фикрлар ҳаммада ҳам бир хил муносабат уйғотмайди. Мана, инсон аталмиш азиз ва муккарам зотни тубанликка етакловчи хорижнинг айрим беҳаё фильмлари дейсизми, телекўрсатувлари, порнографик газета-журналлари дейсизми, кўриб, ўқиб, ҳаммасидан "бахраманд" бўлаяпмиз-ку! Яна муаллиф "барчани Абдуҳалим отанинг қолипига солишга уринишда, борликни унинг қаричи билан ўлчашга даъват этишда ,не маъни борлигига ақли етмаслиги"ни айтади. Ўша хориж телеканалларидаги фаҳш ёки бесоқолбозликка чорловчи "журналистик ижод намуналари" ёки узоққа бормайлик, Россия телеканалларидаги "Эҳтирос салтанати" каби эркак-у аёлнинг қип-яланғоч ечиниш мантиғига асосланган кўрсатувларни кўрганда, ҳар қандай ақли қосир ҳам биз ўйлагандай чет элдан ҳамма нарсани ёппасига ўзлаштираверши мутлақо тўғри эмасдир, деган истиҳола туйса ажаб эмас.

Фарғона шаҳрида нашр этиладиган "Дунё" газетасининг 2002 йил 14-сонида "Қиёмат қойим бўладими?" сарлавҳали мақола эълон қилинди. Мақолани ўқиб "Тавба! Алҳазар!" дейсан киши. На илмий, на диний манбаларга асосланиб ёзилган бу мақолада "Қиёмат қойим ўзи бор нарсами?" деган саволга жавоб берилади. (Тавба, киприк қоқмай, Қиёмат ўзи борми, дейдиганлар ҳам чиққанига ишонгинг келмайди). Унда шу кунларда баъзи оёғи билан юрадиганлар (оғзи билан демоқчи шекилли — С.Ё.) кучли зилзила бўлармиш, дейишса, баъзилари 17 йилдан сўнг ерга жуда катта қора тош келиб урилармиш ва ҳаёт тугармиш, дейишгача боришяпти. Аммо булар бўлмағур гаплар эканини ҳаёт кўрсатаяпти", дейилади ҳамда 3505 йилда бутун дунё халқлари тўқ-фаровон яшаши, чегара, виза, миллат деган нарсалар бўлмаслиги ҳақидаги янги афсоналар бошланади.

Шунинг учун қаёқдаги қиёмат қойимни эмас, келажакдаги гўзал ҳаётни ўйлаб яшайлик, деган 5 та доно хулосани ўқигач, Шарқнинг барча улуғлари сув деб саробга интилган-у, биргина ушбу мақола таржимони ҳақиқатни биларкан-да, деган мулоҳазага борасан киши.

Менимча, бугун Қиёмат бўлиши ёки бўлмаслиги ҳақида фикр юритиб, вақтни бекор сарфлаш нодонликдан бўлак нарса эмас. Биз бу борада Қуръони Каримда бир неча бор таъкидлаб ўтилган, яъни "Албатта Ажрим куни (Қиёмат) вақти белгиланган эди", **(Наба сураси, 17) деган биринчи оятни келтириш билан чекланмаймиз. Айни шу сура давомида Аллоҳ жаҳаннам азобларини зикр этар экан: "**Бу дунёда қилганларига мувофиқ жазодир. Чунки улар ҳисоб-китоб бўлишига ишонмасдилар ва бизнинг гапларимизни ёлғон дейишган эди, ёлғон!" **дейилади. Ана шундай қалби сўқирлар тоифасидан бўлиб қолишдан Ўзи сақласин!**

Бу мисолни бежиз келтирмадим. "Дунё"чилар ҳам бутун дунё матбуотида эълон қилинган ушбу мақолани айнан таржима қилиб чоп этганлар-у, на муаллиф, на таржимон исми-шарифини кўрсатишдан ўзларини тийганлар. Оқибатни эса ҳавас қилгудек, деб бўлмайди.

Биз дастлаб сўз юритган мақолада курраи заминда улкан уммон, денгиз, дарёлар борлигидан хабари йўқ, "оламни дўппидеккина ховуздан иборат", деб билган балиқ ҳақидаги ибратли мисол келтиргандик. Бу ривоятни муаллиф "Ёшлар" телеканали"да бериб келинаётган хориж телесериалларига қарата "ўт очётган"ларга ибрат сифатида келтиради. Шуни ҳам унутмаслик керакки, авало балиқнинг мавжудлиги ўша сув тозалиги, янгиланиб туришини англатади. Гап ховузга бошқа дарёю денгизларнинг сувини қуйишда эмас, ўша сувнинг балиқ кўниккан муҳитни бузмаслиги ҳақида бормоқда.

Мақолада таъкидланишича, бизлар ана шу кинофильмлар, телесериаллар орқали бутун дунё билан ошно бўлаяпмиз, фермаларда, корхоналарда қандай иш юритишаётгани, далаларда қандай қилиб мўл ҳосил олинаётгани билан танишаяпмиз. Авало ҳеч ким маърифий кўрсатувларга қарши бўлаётгани йўқ. Гап сериаллар савияси ҳақида кетяпти. Кўп ҳолларда телесериалларда икки севишганнинг уйи, ҳовлиси, квартираси, машинасини тасвирлашдан нарига ўтилмайди. Шундай экан, қандай қилиб, бутун дунё билан ошно бўлиш мумкин? Иккинчидан, бирор телесериалда фирма, корхона қандай ишлаётгани, қанча фойда олаётгани акс эттирилганини кўрмадим. Бурни остидаги рақобатчисидан ишлаб чиқариш фаолиятини яширадиган, "қилни қирқ ёрадиган" хориж тадбиркорлари қандай қилиб ҳаёт-мамотига тааллуқли хизмат сирларини бутун дунёга ошкор қилиши мумкин?!

(Давоми 2-бетда)

УШБУ СОНДА:

АДВОКАТУРАГА АНИҚЛИК КЕРАК... ҚИШЛОҚ КЕНГАШИ ВА СУД 2

ИМОНИ БУТУН ПАНАГА ЎТМАЙДИ
Бухорога оид икки қарор; Юртбоши ташрифлари; янги тарих саҳифалари 3

РЎЗАДОРНИНГ МУКОФОТИ
РАМ СОҲИБДАН ҲАММАГА САЛОМ 4

Обуна — 2003

«ҲУРРИЯТ»НИ самода ҳам ўқишаркан»

ёхуд ё учишни, ё ўқишни бил

Самолёт салонида тўти қўлини орқасига қилиб, у ёқдан бу ёққа бориб келаётган экан. Айиқнинг кўзи унга тушиб сўрабди:

— Ҳой, нима қиляпсан?

— Олифтагарчилик қиляпман, — дебди тўти.

— Э, ростданми? Мен ҳам олифтагарчилик қилсам бўладими, — қизиқсинибди айиқ.

— Қўлингдан келса, бемалол!

Шундай қилиб учиб кетаётган самолёт салонида тўти ва айиқ бирга олифтагарчилик қила бошлашибди.

Уларга ҳайратда боқиб турган африкалик фил ҳам беҳосдан гап қотибди:

— Ҳой бародарлар, нима қиляпсизлар?

Улар машғулотларини англатишибди.

— Узр, мен ҳам озгина олифтагарчилик қилсам майлими? — истиҳола билан сўрабди фил.

— Қўлингдан келса, бемалол, — дейишибди тўти ва айиқ.

Фил ҳам олифтагарчилик қила бошлагач, самолёт бир томонга оғиб, таги тешилиб, айиқ, фил ерга шалоплаб тушиб кетаётганмиш.

Шунда тўти:

— Учишни билмасанглар, олифтагарчилик қилиб нима қиласанлар?! — деётган экан, кўзи олифтагарчилик қилиш ўрнига газета ўқиб кетаётган қўнғга тушибди. У учишни билмаса ҳам газетани парашют қилиб, бемалол ерга тушаётганмиш. Ҳа, газетхонлик самолёт салонида ҳам фойдадан холи бўлмас экан.

Фурсатдан фойдаланиб, бир хушхабарни етказиб қўяйлик: "Ҳуррият"ни самода ҳам ўқишади!

"Ўзбекистон ҳаво йўллари"нинг 300 самолёти салонида 2003 йил давомида "Ҳуррият"ни ўқишингиз мумкин. Компания билан бу ҳақда келишиб олинди!

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР! "ҲУРРИЯТ"ГА 2003 ЙИЛ УЧУН ОБУНА МАВСУМИ ДАВОМ ЭТМОҚДА. СЕВИМЛИ НАШРИНГИЗГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

Нашр

ЖУРНАЛИСТ ВА ҲУҚУҚ

Жорий йилнинг октябрь ойидан эътиборан Ўзбекистон Миллий матбуот маркази Самарқанд вилоят бўлими ўзининг "Журналист ва ҳуқуқ" номли ахборотномасини чоп эта бошлади. Ахборотномада мамлакатимиздаги мавжуд қонунчиликдан келиб чиққан ҳолда журналистларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг жамият олдидаги масъулияти ва ушбу масала билан чамбарчас боғлиқ бўлган журналист этикаси муаммоларига доир маълумотлар бериб борилиши кўзда тутилган.

Мазкур нашр Евразия фондининг Ўзбекистон Миллий матбуот маркази Самарқанд вилоят бўлимига ажратган гранти асосида "Журналистларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш" лойиҳаси доирасида чоп этилмоқда.

М. Хўжаев муҳаррирлиги остида нашр этилаётган ахборотнома, айтиш мумкинки, Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва уларни демократиялаштириш борасидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Жамшед ТОҒАЕВ

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Ҳуқуқ

ҚИШЛОҚ КЕНГАШИ ВА СУД

Одатда, бироз бағрикенглик ёки қиттак эътиборсизлик оқибатида йўл қўйилган хато-камчиликлар бирон жойда бўй кўрсатиб қолса, "Ҳа энди, қишлоқчилик-да", дея енгилгина хаспўшлаб қўяқолишга ҳаракат қилинади. Шунингдек, хато-нуқсонларни, баъзан эса ҳатто ноқонуний ҳатти-ҳаракатларни "Ҳа энди, ўзбекчилик-да" дея аҳамиятсиз қолдиришни истаймиз. Булар, албатта, яхши маънода миллат менталитетининг айрим қирраларидир. Шу билан бирга, медалнинг иккинчи томони ҳам бор деганларидек, бағрикенгликни суиистеъмол қилиб, қонун доирасидан четга чиқиш ҳоллари ҳам содир этиладики, буни "қишлоқчилик" билан ҳам, "ўзбекчилик" билан ҳам оқлаб бўлмайди. Қолаверса, қишлоқ ўз йўлига, қонун-қоида ўз йўлига.

Нега бу мухбир қишлоққа ёпишиб олди, деяпсизми? Ушбу мақола мазмуни шу мулоҳазаларга туртки бўлди. Масалан, Қуйи Чирчиқ туман Ички ишлар бўлими паспорт бўлинмасининг бошлиғи Комил Эргашев 2002 йил январда бўлиб ўтган судда гувоҳ сифатида кўргазма бериб, жавобгар Салиева Ҳадиянинг 1990 йилдан то ҳозирги вақтгача тумандаги Отажонов номли жамоа хўжалиги ҳудудида рўйхатда турмаслигини билдирди. Ҳолбуки, Тошовул қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 1990-1995 йиллар ва 1995-2000 йилларни ўз ичига олган иккала хўжалик китобида ҳам 1966 йилда туғилган Салиева Ҳадия Ғаниевна Отажонов жамоа хўжалиги, Ёшлар кўчаси, 12-уй, 2-квартирада рўйхатда туриши қайд қилинган...

Бу ҳам етмагандек, "аниқланишича", Салиева Ҳадия умуман туман Ички ишлар бўлимида ҳеч қаерда рўйхатда йўқ бўлиб чиқди. Ҳадия бу хабардан таажжубланиб, судга 1998 йил 19 мартда шу туман ИИБдан олинган паспортини тақдим этди. Табиийки, бу паспорт Эргашевнинг судда берган кўргазмасига зид эди – унда паспорт соҳибасининг шу туманда рўйхатда туриши қайд қилинган. Ҳадия ҳайрон бўлиб паспорт столига борди. "Аниқланишича", унинг қўлидаги паспорт ҳақиқий, шу идорада берилган, бироқ... унга бу паспорт берилгани, рўйхатга қўйилгани тўғрисида... ҳеч қаерда қайд қилинмаган!(?) Вассалом. Шу тариқа Ҳ.Салиева Ўзбекистон фуқаролари сафидан чиқиб кетди. Унинг ном-нишони ҳеч қаерда йўқ.

Суд идорасига кирсам, судья йўқ экан, котиба қиз қанақа масалада келганимни сўради, гарчи масала у киши билан битадиган бўлмаса-да, одоб юзасидан мазмунни айтдим. "Биласизми, - деди у русчалаб бироз ҳаяжон аралаш, - биз ҳатто республика Ички ишлар вазирлиги паспорт бошқармасига ҳам сўров юбордик, Салиева Ҳадия ҳеч қаерда рўйхатда турмайди деган жавоб олдик!" "Сизларнинг ёнбошингиздаги паспорт столидаги хўжасизлик учун у аёл айбдорми?" дедим котибага. Албатта, тайинли жавоб бўлмади, чунки у иш суд котибасининг ваколатига кирмайди.

Ваколатли паспорт бўлинмаси бошлиғи Комил Эргашев ўша куни ишхонасида йўқ экан, эртасига телефон орқали суҳбатда судда берган юқоридаги кўргазмасини ҳам, янги паспорт берилиб, у қайд қилинмагани фактини ҳам инкор этмади. Фақат "Отажонов"да пропискада бўлган-бўлмаганини аниқлаш учун 1998 йилгача бўлган эски паспортини топиш лозимлигини, уни топиб, натижасини хабар қилажагини айтди. Раҳмат. Бироқ, бугун бу маълумотни аниқлашга энди киришган масъул ҳуқуқшунос ходим суд мажлисида "Салиева Ҳадия 1990 йилдан ҳозиргача Отажонов ширкат хўжалигида рўйхатда турмайди" деган кўргазмани нимага асосланиб берди? Қизиқ-да, бундай асос бўладиган маълумот туман ИИБ паспорт бўлинмасида йўқ бўлса, қишлоқдаги хўжалик китобида эса у рўйхатда турган бўлса, мазкур кўргазма ёлғон бўлиб чиқмаяптими?

Худди шундай - ёлғон.

Бундай дейишга эса бизда асос бор: а) суднинг Ҳ.Қалув қароридаги К. Эргашевнинг кўргазмаси; б) туман ИИБ паспорт бўлинмасида Ҳ. Салиеванинг 1990-1998 йилларда Отажонов ширкат хўжалиги ҳудудида рўйхатда турмаганлиги (бошқа қаерда рўйхатда турганлиги) тўғрисида маълумот йўқлиги; в) Тошовул қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 1990-1995 ва 1995-2000 йиллар хўжалик китобида – рўйхатда турганлиги.

Узр, мақолани умумий мулоҳазадан бошлаганимиз учун воқеани ҳам охиридан баён этишга тўғри келиб қолди. Воқеанинг боши шуки, судда баҳсли уй-жой масаласи кўрилган. 1998 йил 5 февралда нотариус тасдиқлаган олди-сотди шартномасига кўра, Иляс Қутлияров Ғани Салиевдан Ёшлар кўчасидаги 12-уй, 2-квартирани сотиб олган. Нотариал идорадаги Тошовул қишлоқ фуқаролар йиғинидан берилган маълумотномада юқоридаги адресда рўйхатда турган кишилар сони аввалига "один" деб ёзилиб, сўнг "один"нинг устидан тузатилиб "двое" сўзи ёзилган.

Ҳ. Салиеванинг исми-шарифи рўйхатда турган учинчи одам сифатида бу маълумотномада кўрсатилмаган, бу – фуқаролар йиғинининг ваколати. Улар, хўжалик китобида учинчи одам ҳам рўйхатда турганини кўра-била туриб, маълумотномага уни киритишмаган. Бу ҳолатда "Ҳа, қишлоқчилик-да" деб қўяқолиш мумкин эди. Агар... хўжалик китобининг ушбу манзилда яшовчилар исм-фамилияси битилган варақнинг тепасига "Салиева Ҳадия уйнинг сотилишига қарши" деб ўз қўллари билан ёзиб қўйишмаганида. Ҳа, буёғи энди "қишлоқчилик" эмас, агар учинчи одам Ҳ. Салиева маълумотномага ёзиладиган бўлса, олди-сотди шартномасини тасдиқлаш чоғида нотариал идорага у ҳам бориб розилик бериши керак. Қонун шуни талаб қилади: рўйхатда турган вояга етган барча оила аъзоларининг розилиги олиниб, сўнг шартнома тасдиқланади. Мазкур воқеада эса учинчи одам ишни бузиши мумкин эди, шунинг учун уни ёзмай қўяқолишди...

Хуллас, уй сотилди. Россиялик Иляс Қутлияровга. Оғзаки айтишларича, 2 минг долларга. Шартномада И. Қутлияровнинг яшаш жойи Центральная кўчаси, 38-уй деб кўрсатилган бўлса-да, у бу ерда рўйхатда турмас эди. Бу хонадон Тўлқин Салиевга қарашли. Иляс сотилган уй эгаси Ғани Салиевнинг ўғли Тўлқин Салиев (Ҳ. Салиеванинг акаси)нинг ўртоғи бўлиб, 1995 йилдаёқ Россия фуқаролигини қабул қилган. Уй харид қилган 1998 йилда эса Совет қизил паспортига эга бўлган (ҳозир ҳам шу паспорт соҳиби) йигит эди. У уйни сотиб олди-ю, тирикчилик – бизнес билан яна Россияга жўнаб кетди. Ғани ота қизи Ҳадияга, уйдан сенинг ҳақинг бу деб, 300 АҚШ долларни бериби ва яна 200 доллар бериши ҳақида тилхат ҳам ёзган, бу тилхат Тошовул қишлоқ фуқаролар йиғинининг муҳри ва масъул имзолар билан тасдиқланган.

Ҳадиянинг айтишича ва иккита қўшнининг суд мажлисида гувоҳ тарикасида берган кўргазмаси бўйича, Қутлияров уй пулининг қолган ярмини Россиядан қайтиб келганимдан кейин бераман, деган. Чол-кампир, Ҳадия ва унинг вояга етмаган уч нафар қизи сотилган уйда яшайверишган, газ, сув, электр ҳақларини тўлаб туришган. Аввал кампир, сўнг Ғани ота ўтган йили бандаликни бажо келтиришди.

— Уч йил йўқ бўлиб кетган Қутлияров отам ўлганидан бир ҳафтадан кейин етиб келиб, уйни бўшат, мен пулнинг ҳаммасини тўлаганман деб туриб олди, — деб ёзади шикоят хатида Ҳ. Салиева. — Мен бўшатмайман, пулнинг ярмини бермагансан, дедим. У уйни бўшатиш ҳақида судга ариза берди. Мен, уй менинг розилигимсиз ноқонуний сотилганини айтиб, олди-сотди шартномасини бекор қилишни сўраб қарши даъво аризаси бердим. Туманлараро фуқаролик суди Қутлияровнинг даъвосини қаноатлантириб, менинг даъвоимни рад этиб, Ҳал қилув қарори чиқарди. Апелляция суди Ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирди, назорат тартибидаги шикоят аризамга ҳам ўша жавоб келди... Суд ижрочилари келиб учта ёш-ёш қизларим билан мени кўчага ҳайдаб чиқариб, эшикни қулфлашди. Ҳозир болаларим билан бировнинг уйида ижарада турибман, у ҳам қишгача уйни бўшатасан, деяпти. Далага чиқиб, кунига минг сўмга боғда мева-чева териб ишлаяпман. Эрта-индин бу иш ҳам тугайди, бошпанам ҳам йўқ, болаларим ўғил бўлса ҳам майли эди, уч қиз билан қаёққа бораман?!

Албатта, суд аёлнинг бу нолаларига қулоқ тутиб, ноқонуний бўлса ҳам унинг даъвосини қаноатлантириши лозим эди, деган фикрни айтиш ёки шаъма қилиш фикридан йироқмиз. Суд "қишлоқчилик"ни ҳам "ўзбекчилик"ни ҳам бир четга суриб қўйиб, фақат қонун асосида, қонун йўл-йўриғи билан иш кўриб, масалани ҳал қиладиган идора. Аввал қонун, кейин – мақсадга мувофиқлик. Буни яхши тушунган ҳолда, суд хулоса чиқаришда ана шу қонун тамойилларидан чекинган жойлари ҳам бордек туюлди, назаримда. Жумладан: 1. Ҳ. Салиева Отажонов ширкат хўжалигидаги баҳсга сазовор бўлаётган сотилган уйда рўйхатда турган эдим деяпти, қишлоқ фуқаролар йиғини ва паспорт столи масъул ходимлари "рўйхатда йўқ" деб кўргазма беришаяпти. Судга раислик қилувчи Фуқаролар йиғинидаги хўжалик китобларини олиб келишни ва туман ИИБдан Ҳ. Салиева агар "Отажонов"да турмаган бўлса бошқа қаерда рўйхатда турганлиги тўғрисидаги аниқ ёзма маълумот келтиришни талаб қилишга ҳақли эди. Бунинг ўрнига, суд гувоҳларнинг асосланмаган кўргазмалари ва шубҳали маълумотномалар билан чекланган, Ҳал қилув қарорига буларни асос қилиб олган. Ҳолбуки, суднинг "Ҳ. Салиева қаерда рўйхатда туради?" деган ёзма сўровига туман ИИБ паспорт хизмати "Ҳ. Салиева 1990 йилдан 1998 йилгача ва 1998 йилдан ҳозирги кунгача Отажонов ширкатлар хўжалигида рўйхатда турмайди" деб ёзма жавоб берган. Чала жавоб. Сабаби, сўровдаги "қаерда рўйхатда туради" деган саволга жавоб йўқ. Агар қишлоқ фуқаролар йиғинидаги иккита хўжалик китобида (1990-2000) Салиева Ҳадия Отажонов ширкат хўжалигидаги баҳсли манзилда рўйхатда эканини ҳисобга олсак, паспорт хизматининг маълумотномаси — ёлғон. Суд эса буни кўра-била туриб, унга ҳуқуқий баҳо бермаган, бунинг ўрнига, негадир, Тошкент шаҳар адреслар бюросига сўровнома жўнатган...

Шунингдек, суд қўшнилар бўлмиш гувоҳлар А. Иванова ва Л. Францнинг сотиб олган одам уйнинг пулини ярмини кейин бераман, деганини эшитганлари ва Ҳ. Салиева уйнинг шиферларини алмаштиргани, таъмирлагани тўғрисидаги кўргазмаларини "уларни билиши лозим бўлмаган ҳолат, ишончга сазовор бўлмаган дадил" деб баҳолаган. Агар Ҳ. Салиеванинг рўйхатда турганлиги исботланса, демак, олди-сотди шартномаси ноқонуний тасдиқланган бўлиб чиқарди. Ва, табиийки, қарши даъво аризани қаноатлантиришга тўғри келарди. 2. Суд гувоҳ К. Эргашевнинг қонуний асосланмаган кўргазмасини эътиборга олиш ўрнига, фуқарога берилган паспорт ИИБда қайд қилиниб рўйхатга қўйилмаган — қўпол хато ёки қонунбузарлик, пала-партишлик юзасидан Хусусий ажрим чиқариб, айбдорларга чора кўриш ва келгусида бундай хатоларга йўл қўйишнинг олдини олиш учун юқори раҳбар органга жўнатса мақсадга мувофиқ бўларди.

Суд иши билан танишганда, яна бир эпизод эътиборни тортади. Адвокатлар Валиева, Юсупова ва даъвогар Ҳ. Салиева томонидан судда иштирок этаётган прокурор ва судьяга нисбатан рад қилиш тўғрисида раддиянома киритилган. Унда, жумладан, шундай дейилади: "И. Қутлияров Россия фуқароси бўлсада, Вазирлар Маҳкамасининг 533-сонли 1994 йилдаги қарорига зид равишда даъво ариза берилганлиги кўрсатилсада, суд бунга баҳо бермади... Суд Қутлияровнинг уй-жой рўйхатида турганман, деган кўрсатмасини Қутлияров фойдасига тескаришни хоҳламади, асоссиз рад жавобини берди". Ва ҳоказо. Ўрта Чирчиқ туманлараро фуқаролик суди раиси вазифасини бажарувчи А. Тўйчиев имзолаган 2001 йил 18 декабрдаги Ажримга кўра бу раддияни қаноатлантириш рад этилди. Худди шунингдек, 2002 йил апрелда бўлиб ўтган апелляция суди туман суди Ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз, кассация шикоят аризасини қаноатлантирмасдан қолдирди, ҳолбуки, юқорида таъкидланган - ҳал қилинмаган масала ва жавоб топилмаган саволлар бор эди, ҳали ҳам турибди...

Бу – судга, судьяга ақл ўргатиш эмас, мавжуд қонун ва тартиб-қоидаларнинг оддий бандлари, холос. Ҳар ҳолда суд қишлоқ фуқаролар йиғинидан фарқ қилиши, ҳуқуқий савод жиҳатидан улардан бир-икки бош юқори туриши, улар йўл қўйган хатоларни тузатиши ва ҳуқуқий баҳо бериши лозим бўлган идора деб тушунамиз.

PS: *Судья опамиз мақоланинг қўлёзмасини ўқиб, албатта, газетада босилиши мақсадга мувофиқ эмаслигини айтди. Муаллиф судьядан ҳам, паспорт бўлинмаси бошлиғидан ҳам бир нарсани илтимос қилди: "Салиева уй-жой олди-сотдиси амалга оширилган 1998 йилда қаерда рўйхатда турганини ҳужжат асосида аниқлаб беринглар – агар "Отажонов" эмас, бошқа манзилда рўйхатда турган бўлса, мақолани чиқармаймиз". Бу саволга жавоб топишолмади ва савол ҳамон очиқ турибди...*

А. АЛИМОВ

Шаҳрисабз сўзаналари...

А. РАҲИМ олган сурат.

Муносабат

ҚАЙСИ БУЛОҚДАН СУВ ИЧАЯПМИЗ?

Қолаверса, далаларда қандай қилиб мўл ҳосил олишаётгани билан танишиб, эртага биз ҳам кофе етиштирмасак керак, ахир. Биз "севги учбурчаги" ҳақида эшитганмиз. Хориж сериалларида севги учбурчак", "ўнбурчак" бўлиб, айримлари жанжаллар академиясига айланиб кетаяпти-ку!

Шу ўринда озгина мантиқий мулоҳаза юритайлик. "Морена Клара", "Даллас", "Қалбим чечаги", "Муҳаббат қаҳваси", "Эсмеральда" ва бошқа сериаллар фақат ва фақат катталар кўриши учун мўлжалланган ва "Ёшлар телеканали" орқали анча кеч, болалар учун эшитиришлар, фильмлар берилганидан сўнг экранга чиқарилмоқда.

Албатта, мантиқий мулоҳаза юритган яхши, лекин тўғри мантиқий мулоҳаза ундан-да яхши. Ҳозирги пайтда телесериаллар 20.30-21.00 оралиғида бошланади. Ҳолбуки, фақат катталарга мўлжалланган сигарета рекламаси 22.00 дан кейингина берилади. Қолаверса, ҳар бир телесериалнинг бир сонияси ҳам қолдирилмай кундуз вақти қайта намойиш этияпти-ку!

Агар болаларнинг тарбияси бузилаётган бўлса, бунинг сабабини "Ёшлар телеканали" бераётган сериаллардан эмас, оила муҳитидан, болаларнинг қандай фильмлар кўраётганига лоқайдлик билан қараётган ота-онанинг бепарволигидан излаш керак эмасми?! Маҳаллада тўй бўлса, болани ҳар қанча қистовга олманг, деразадан чиқиб бўлсаям боради. "Кўлга келган тўй" - телесериаллар кўришни ҳам ҳар қанча чекламанг, бир бор кўриб, ўзига

(Боши 1-бетда).

— Альваро, сендан ҳеч нимани яширолмайман. Хосе Армандо мени ўпди.

— Сен ...Сен нима қилдинг?

— Биласанми, мен ҳам ўзимни тутиб туролмадим. Мен ҳам уни ўпдим...»

Мазкур парча "Даракчи"нинг мақола чиққан сақифасидан жой олган. Асосини шу каби муҳаббат муносабатлари ташкил этадиган сериални болалар тугул қайнота келини билан, ота қизи билан, ака синглиси билан, она ўғли билан бирга ўтириб томоша қила оладими?!

Муаллиф хулоса ўрнида: "Танлаш ҳуқуқи бор экан, одамлар ўзи ёқтирган телеканални томоша қилади, севган газетасини ўқийди. Асосийси, бу Конституциямизга, қонунчилигимизга зид келмаса бас. Ана шу демократия эмасми?" деган фикрни келтиради. Бизда кўнгли тусаган ишни қилиш — демократия, деган тушунча пайдо бўлган. Ҳолбуки, демократия – истаганини қилавериш эмас, англанган зарурият-дир.

БМТнинг бутун дунёда бажарилиши мажбурий бўлган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакти (ҳужжати) нинг матбуот эркинлигига доир моддасида ҳар бир инсон ўз фикрига эга бўлиш, ўз фикрини эркин ифода қилиш, ҳар қандай ахборотни давлат чегараларидан қатъий назар излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга экани ва қайси ҳолларда ОАВга чекловлар қўйиш мумкинлиги эътироф этилади: "Ушбу модданинг иккинчи бандида кўрсатилган ҳуқуқлардан фойдаланиш зиммага алоҳида масъулият, жавобгарлик юклайди. Улар айрим чеклашлардан иборат бўлиши мумкин. Лекин ҳар қандай чеклаш қонун билан белгиланиши ва қуйидаги ўта муҳим мақсадларни кўзлаши лозим:

а) бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва шаънини ҳурмат қилиш;

б) давлат хавфсизлиги;

в) ижтимоий тартибот;

г) саломатлик ёки аҳолининг ахлоқини ҳимоя қилиш".

Демократиянинг асосий талаби қонун устиворлиги саналади. Кўриниб турибдики, биз демократик эркинлик дея талқин этишга уринаётганимиз — кишилар ахлоқига салбий таъсир этувчи телесериаллар ва уларни намойиш этадиган каналлар ҳам чекланиши мумкин. Европа мутафаккирларидан бири: "Эркин яшамоқчи бўлган ҳар бир инсон қонунларга қул бўлиши керак", — деб бежиз айтмаган.

Халқимизда "Қайси булоқдан сув ичгансан?" деган доно нақл бор. Ушбу савол замирида бизнинг ахлоқимиз, қадриятларимиз, эътиқодимиз, анъаналаримиз, борингки, бешикдан то қабргача амал қилишимиз зарур бўлган муҳим қонун-қоидаларимиз ётади. Шундай экан, қайсидир бир чет давлатда суратга олинган телесериалларни кўраётганимизда бир-биримизни улардан ўрнак олишга чақираётганимизда хориж маданиятини зўрлик билан тиқиштирмоқчи бўлаётганлар тегирмонига сув қуяётиб қалбимизга савол бериб кўрайлик: Қайси булоқдан сув ичаяпмиз?..

Собиржон ЁҚУБОВ

Таклиф

АДВОКАТУРАГА АНИҚЛИК КЕРАК...

икки ибора тафовути

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган "Адвокатура тўғрисида"ги қонунига мувофиқ — адвокатура ҳуқуқий институт ва хусусий адвокатлик амалиёти билан шуғулланувчи айрим шахсларнинг мустақил, кўнгилли касбий бирлашмаларини ўз ичига олади.

Маълумки, адвокатлик — шахсларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини амалга ошириш, ҳимоя қилиш билан боғлиқ фаолиятдир. Шу ўринда савол туғилади — адвокат ўз фаолияти давомида юридик ёрдам кўрсатадими ёки ҳуқуқий хизмат? Бу саволга жавоб беришдан олдин бир ҳолатга эътибор қаратиш лозим: Адвокатлик фаолиятини юридик ёрдам деб номлаш нимани англатади-ю, ҳуқуқий хизмат деб аташ нимани билдиради? Масаланинг бу тахлид қўйилиши жамиятимизда шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга ва амалга оширишга қаратилган фаолият қандай номланиши кераклиги билан боғлиқ. Адвокатлик фаолияти деганда, англанадиган иккала ҳолат — юридик ва ҳуқуқий хизмат тушунчаларига тўхтатиб ўтсак.

"Юридик ёрдам" иборасидаги "юридик" сўзини шарҳлашга зарурият йўқлигини таъкидлаган ҳолда, "ёрдам" сўзи ҳақида шундай дейиш мумкин: "ёрдам" — бу бошқа шахсга кўмак, бошқа шахснинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий тушунтириш ва конунга риоя қилиш борасидаги ишларни амалга оширишда бегараз ва беминнат иштирок этишдир (албатта текинга). "Ҳуқуқий хизмат" иборасидаги "хизмат" деганда, фуқаронинг қонун доирасидаги иши, фаолияти, юмуши, амалга оширадиган ҳаракати тушунилади ва одатда кишини, фуқарони ана шу "хизмат" эвазига топиладиган пул боқади. Тўғри, хизмат — текинга ҳам амалга оширилиши мумкин. Лекин, биз фикр юритаётган ҳолатлар учун бу жиҳат амалиётга эга эмас.

Энди қонунчилигимизда адвокатлик фаолияти қандай номланишига эътибор қаратсак. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 116-моддаси 2-қисмида "тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади", — дейилади.

Конституцияда адвокатлик фаолиятининг асосий мақсади сифатида "юридик ёрдам" иборасининг ўзинигина киритилишига сабаб мустақиллигимиздан олдин ва дастлабки даврида "ҳуқуқий хизмат"ни фақат ташкилотлар, корхоналарнинг юрист-консултантлари амалга оширарди. Эндиликда адвокатлик фаолияти бевосита фуқаролар ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш билан ҳам боғлиқ бўлиб қолди.

"Адвокатура тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддасида адвокатлик фаолиятининг турлари санаб ўтилган бўлиб, модданинг биринчи қисмида "адвокат — жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатади" — деб эътироф этилади. Шунингдек, мазкур модда биринчи қисмининг сўнгги бандида "адвокатура тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатади", — деб баён этилади.

Шу қонуннинг 11-моддаси (адвокатлар меҳнатига ҳақ тўлаш)да адвокатлик фаолиятининг барча турлари икки гуруҳга бўлинади. Модданинг биринчи қисмида адвокатга ҳақ тўланадиган меҳнат "юридик ёрдам" — деб номланса, иккинчи қисмида эса "ҳуқуқий хизмат" деб аталади. Ушбу моддада баён этилган адвокатлик фаолиятининг иккига бўлиниши ва адвокатлик фаолиятига ҳақ тўлашнинг шу асосда амалга оширилишини ҳисобга олиб, адвокатлик фаолиятидаги "юридик ёрдам" ва "ҳуқуқий хизмат" ибораларини мантиқан шундай фарқлаш мумкин: жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ иш — суд, прокуратура, ички ишлар органлари ёки бошқа давлат органларида кўриб чиқилаётганда адвокатнинг фаолият юритиши "юридик ёрдам" деб тушунилса, турли хилдаги фуқаролик муносабатларига киришиш, шартномалар тузиш, турли органларга мурожаат қилиш учун ариза, шикоят ва шу кабиларни ёзиб бериш, фуқаро ва юридик шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятларини амалга оширишларидаги адвокатнинг фаолияти "ҳуқуқий хизмат" сифатида тушунилади. "Юридик ёрдам" ва "ҳуқуқий хизмат" ибораларини бундай таҳлил этиш моддадаги ҳақ тўлаш тартибига тўлиқ мос келиши шубҳасиз. Лекин адвокатлик фаолиятини бир-биридан фарқ қилувчи икки ибора билан номлаш назаримизда ҳуқуқий иборашуносликдаги ва ушбу фаолият турини ҳуқуқий тартибга солишдаги тушунмовчиликларни келтириб чиқаради. Зеро, мантиқан қараганда, "ёрдам" учун ҳақ олинмайди, "хизмат" учун эса ҳақ олинади (агар ҳақ олинмаса, бундай фаолиятни ҳақли равишда "ёрдам" — деб номлаш мумкин). Адвокатлик фаолияти учун эса ҳар доим ҳақ олинади. Чунки бу фаолият билан шуғулланишдан мақсад (фуқароларнинг бошқа фаолият билан шуғулланишларидаги каби) моддий манфаат кўришдир.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, адвокатлик фаолияти бир вақтнинг ўзида "юридик ёрдам" ва "ҳуқуқий хизмат" деб номланиши лозим. Шунга асосан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 116-моддаси 2-қисмига "юридик ёрдам бериш" иборасидан сўнг "ва ҳуқуқий хизмат кўрсатиш" ибораси киритиб қўйилса ёки Ўзбекистон Конституциявий суди томонидан қонуний шарҳ берилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Шунингдек, адвокатлик фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига ҳам шу асосда ўзгаришлар киритиш лозим. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 703-моддаси (ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси) иккинчи қисмига хизмат кўрсатиш тури сифатида адвокатлик ёки "ҳуқуқий хизмат"ни ҳам киритиш зарур. Зеро, бундай аниқлик шу фаолиятни ҳуқуқий тартибга солинишидаги турли тушунмовчиликларни бартараф этган бўлар эди.

Н.ИМОМОВ,
Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси

Табрик

УСТОЗГА АТАЛГАН КАЛОМ

Бойбўта домланинг бойлиги

Журналистика факультети талабаларининг антиқа характери бор: домланинг сабоғидан аввал "ўзини" ўрганишади. Феъли-атвори қанақа, мавзуни қай йўсинда тушунтиради, талабаларга муносабати қандоқ, имтиҳонда нима "каромат кўрсатади..." Иннайкейин-чи? Саломга қараб – алик, деганларидек, талабалар қайсидир домланинг қошқовоғидан ҳайиқиб, бошқасининг "йўқламасида кўриниш", том маънодаги устознинг эса сабоғидан баҳраманд бўлиш ниятида келадилар. 1980 йилда севимли домлаларимиздан бири – Бойбўта Дўстқораевнинг дарсига биз ҳам шундай ниятда ошиқардик. Мудом аудиторияни тўлдириб ўтирганимиз боис домламиз бирор марта ҳам "йўқлама" қилганини эслай олмаймиз!..

Гоҳо собиқ ҳамкурслар учрашиб қолсак ўша кезлари Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) журналистика факультети декани бўлган Анвар Шомақсудов ҳамда Сайди Умиров, Мухтор Худойқулов, Файзулла Мўминов, Қудрат Эрназаров, Тоҳир Пидаев, Анвар Каримов, Ирисали Тошалиев, Юсуф Ҳамдамов каби азиз домлаларимиз ҳақида ҳамон эҳтиром ила сўзлашамиз. Йиллар силсиласида улар илм боғида ўз мактабларини яратишди. Ўша кезларда фан номзоди, катта ўқитувчи бўлиб юришган устозлардан уч нафари бугунги кунда филология фанлари доктори, профессор, қолганлари эса доцент унвонларига эга эканликлари билан барчамиз фахрлансак арзийди.

Ўшанда дунё пешонасидан илми зўрлиги аён кўриниб турган Бойбўта ака ҳақида эса юқори курсдагилар шипшитиб қўйгандилар: "Очил Тоғаевдан кейинги зўр домла!.."

Раҳматли профессор Очил Тоғаевнинг ўрни бўлакча эди... Бароқ қошларини кериб, қирра бурни устига қўндирган кўзойнаги устидан аудиторияга назар солганида вужудимиз қулоққа айланарди. Ҳар бир сўзни чертиб-чертиб гапираркан, барчамизни ўзига ром этарди. Ўзига хос хислатлари билан талабалар меҳрини қозонган навбатдаги "зўр домла" – Бойбўта Дўстқораев бўлганди. Дастлабки машғулотлариданоқ илмга чанқоқ талабаларни сеҳрлаб қўйганди. Аудиторияни тўлдириб ўтиришган талабалар устознинг ҳар бир сўзини жон қулоқлари ила тинглашар, бемалол баҳслашар эдилар.

Домла бизни бадиий публицистика боғига олиб кираркан, беихтиёр журналистика осмонида руҳан парвозга шайланардик. Ўша кезлардаёқ кўпчилигимиз Бойбўта ака билан сирдош, дўст бўлиб қоганимиз чин. Ришталари мустаҳкам бўлган шу дўстлик ҳамон давом этаётгани кўнглимизга қандайдир шукуҳ бахш этади.

Тенгқурларим аллақачон ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишди. Бугун журналистика осмонида бургут мисол парвоз қилаётган собиқ ҳамкурсларим учун ўша домлаларимиз ҳамон ота каби эъзозлидир. Йиллар ўтишини қаранг-ки, бизнинг "олтин давр"имиз ҳисобланган кезларда дунёга келган ўғил-қизлар бугун журналистика факультети талабалари! Юртимиз истиқлоли шарофати билан бу факультет ҳам бир нечта олий ўқув юртида мавжуд. Бойбўта Дўстқораев ўттиз йил мобайнида ТошДУ (ЎзМУ) журналистика факультетида лаборант, ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири лавозимларида фаолият кўрсатган бўлса, 1999 йил июнидан эътиборан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети журналистика факультетининг "Журналистика назарияси, амалиёти ва тарихи" кафедраси мудири вазифасида ишламоқда.

Тиниб-тинчимас устоз бўлғуси журналистларга сабоқ бериш билан бир қаторда илмий изланишларини ҳам давом эттирмоқда. "Жадидлар публицистикаси: шаклланиш ва тараққиёт тамойиллари" мавзуидаги докторлик ишини ёқлаш арафасида турган устознинг шу кунга қадар "Ўзбек танқидчилиги тарихи" номли ўқув қўлланмаси ҳамда сўнгги йилларда эълон қилинган "Жадидлар мафкураси", "Мухторият ғояси", "Туркистоннинг усули идораси қандай бўлмоғи керак эди?", "Жадидларнинг педагогик қарашлари", "Бугунги дунё", "Жадидлар публицистикасининг пайдо бўлиши ва тараққиёти", "Тараққий" – илк ўзбек миллий газетаси" каби илмий-оммабоп мақолалари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. "Яссавий ким эди?", "Гўзал Туркистон" тўпламларини тузиб, уларга сўзбоши ёзган, изоҳлар берган олим Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий асарларини нашрга тайёрлашда фаол иштирок этган.

Демакки, илм булоғи ҳисобланмиш иқтидорли олим нафақат ўқув даргоҳида, балки оммавий ахборот воситалари орқали бутун мамлакатимизда ҳам юзлаб ёш қаламкашларга устозлик қилаётир. У кишининг қатор халқаро анжуманларда қилган маърузалари эса кенг жамоатчилик эътиборини қозонган. 2000 йилда Марказий Осиёни тадқиқ этиш ташкилотининг Венада бўлиб ўтган VII конференциясида, 2001 йили АҚШнинг Нордистерн университети ҳамда Самарқанд давлат чет тиллар институтида ўтказилган анжуманларда у кишининг маърузалари катта қизиқиш билан тинглангани баайни ҳақиқат.

Ҳаётда кўп нарса ўзгарарқан. Инсоннинг эзгу ишлари, ўзгалар қалбида уйғотган меҳр қуёшигина ўзгармаскан. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида "этагидан тутган" устозимиз – Бойбўта акага нисбатан меҳримиз, шогирдона муносабатимиз ҳам ўшаўша. Фақат, мудом мағрур юрган домламиз олтмишни "уриб" қўйганини сезмай қолибмиз. У кишининг теварак-атрофида энди биз эмас – бугун камолот ёшига етаётган ука-сингилларимиз. Буни қарангки, бугунги талабалар ҳам севимли устоз дарсларига "йўқламада бўлиш учун" эмас, балки, чинакам сабоқ олиш умидида келишаркан. Бойбўта ака эса ҳамон вақтини "йўқлама" қилишга сарфламаскан!..

— Халқаро журналистика факультетида ҳар бир мураббийнинг ўз ўрни бор,– дейди доцент, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Сайди Умиров.– Ҳамкасбимиз Бойбўта Дўстқораев ўз ўрнини салкам қирқ йиллик фаолияти, илм уммонидаги самарали изланишлари, бетакрор ижоди, талабалар ва ҳамкасблари қалбига йўл топишдек ажойиб фазилатлари ила топгандир. Умид билан камолга етказган юзлаб шогирдлари бугун мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида жавлон ураётганлари унинг беқиёс бахтидир.

Талабаларни "йўқлама" қилмаслик Бойбўта ака учун қанчалик ажиб фазилат саналса, у кишининг ўзини йўқлаб туриш шунчалик савобдир, дегимиз келади. Бугун ижодий давраларда Бойбўта Дўстқораевнинг номи эҳтиром-ла тилга олинади. Жамоат ишларида ҳамиша фаол домлани "Қатағон қилинганлар ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш жамоатчилик комиссияси", "Офарин" ва бошқа танловлар ҳайъати аъзолигига таклиф этишгани фикримиз далилидир.

Юртимиз мустақиллигининг ўн бир йиллиги байрамида Юртбошимиз томонидан Бойбўта Дўстқораев "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Ёшлар мураббийси" унвони билан тақдирлангани айни муддао бўлди. Бу – устознинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшишига ишонамиз.

Тўлқин ЭШБЕК

“Ўзбекистон ва ўзбекистонликлар” танловига

Бухорои шариф ўзининг буюк фарзандлари, азиз авлиёлари, бетакрор тарихий обидалари билан миллатимиз, халқимизни бутун дунёга танитган табаррук маскандир.
Ислом КАРИМОВ

ИМОНИ БУТУН ПАНАГА ЎТМАЙДИ

Ражаббой РАУПОВ

Бухорога оид икки қарор; Юртбоши ташрифлари; янги тарих саҳифалари;

1.

БУНДАН ЎН ЙИЛ ИЛГАРИ “Ишонч” газетасининг йўлланмаси билан Бухорога борганимда, қаровсиз қолган қадим шаҳарнинг аянчли ҳолини кўриб, афсус билан ёзган эдим: **“Йўлингиз тушиб, Бухорога самолётда борсангиз, тепадан назар ташланг: Бухоро замини, айниқса, шаҳар атрофи оқ, оппоқ, оқликдан кўзингиз қамашади. Қор ёққанми, деб ўйлайсиз-у, беихтиёр ёз ойи эканлиги ёдингизга тушади. Афсуски, дастлаб кўзни бир зумгина қувонтирган бу оқлик туз!.. Нега бундай бўлди? Нега бу азим шаҳарнинг пешонасига шўр битди? Бу ҳақда Катта Минора сўйласинми? Фарзандлари гунг-у, лол бўлган бир пайтда, ярадор деворлари, қадим Арк сўйласинми?.. Хориждан не-не сайёҳлар пул сарфлаб, вақт сарфлаб, Бухорони бир кўрсам эди, деган орзу билан келишаётган пайтда қадим шаҳар обидаларини ётоқхона, озиқ-овқат дўкони, омборхона, холодильник тузатадиган устахонага айлантириб қўйибмиз. Аждодлар руҳига, мулкига хиёнат эмасми бу? ”**

Ўн йил илгари ёзилган ушбу сатрларни эслашдан мурод: 1924 йилнинг 1 августида Бухоро халқ шўро республикасининг Москвадаги ваколатхонасида мухтор вакил Абдураҳим Юсуфзода билан профессор М.Я.Гинзбург ўртасида Бухоронинг тарихий ва маданий ёдгорликларини кўрикдан ўтказиш, илмий рўйхатга олиш, қулаётган ёдгорликларига нисбатан кечиктириб бўлмас таъмирлаш тадбирлари режасини ишлаб чиқиш ва қатор лойиҳалар тузиш ҳақида шартнома имзоланган эди. Ҳа, ЭДИ! ЭДИ-бу, бир пайтлар, ўтган замон ва ўтган ваъдаларнинг сурати, шакли. Улар ваъдалар бераверди, биз эшитавердик, умид қилдик, кутдик, узоқ кутдик. Чунки ваъда, алдов ва сабрга ўрганган халқ эдик...

Бугун орадан 78 йил ўтиб, тарих қатларида сарғайган ваъда, унутилган шартномани яна бир бор эсладим. Бунинг боиси бор, албатта.

2.

БУХОРОНИ ЯКСОН ҚИЛИШ ОПЕРАЦИЯСИда (1920 йил) қатнашган рус ҳарбийларининг ҳисоботномаларини ўқисангиз, шафқатсиз мисолларга дуч келасиз. Сарой ва уйларга, масжидларга бекиниб олган шаҳар аҳолисини янчиш учун 70 минг жангчи, 40 замбарак, 5 бронепоезд, 11 самолёт сафарбар қилинди. (“Родина”, 1989 йил, 11-сон), Николай Алексеевич Ласкин деган учувчи хужум пайтида Бухоро шаҳрига 26 пуд бомба ташлаган. “Энг ботир ўртоқларнинг ҳаётини қурбон қилиб бўлса-да, шаҳар деворининг бир жойидан кичикроқ туйнук очишга эришдик. Яқин келтириб қўйилган тўплар Қарши дарвозасининг арчадан ясалган табақаларини тўпга тутди, Арк олди ва атрофи ловиллаб ёна бошлади”, — деб ёзади Г.Омелюстий. Бири-биридан қайсар далил-у, ҳужжатларни ўқир экансиз, жисму-жонингиз “... амирнинг бойликлари тўпланган қордек оппоқ саройига, масжид-у, мезаналар, мадрасаларга” қўшилиб ёна бошлайди.

Россиядан узоқда, чет бир ўлка ҳисобланмиш Бухоро амирлигини ағдариб, халқига социалистик давлат қуриб, бериш тасаввурга сиғадиган гапми?...

3.

Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, таланган, ёндирилган, нураб бораётган Бухоронинг жонига Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом КАРИМОВ малҳам бўлди. Совет даврида тўпга тутилган Минораи Калоннинг қайта таъмирланишини айтмаганда (ҳалигача минораннинг “яра”лари билиниб туради), кўплаб обидалар қаровсизликдан нураб, тўкилиб бораётган эди. Ўн йил олдинги Бухоро шаҳрининг қиёфаси суратларда муҳрланган...

“Ўзбекистон тарихи” дарслиги (2002 йилги нашри) нинг 49-50 бетларида: “Муқаддас Бухорои Шариф қизил армия босқинидан сўнг ” ва “Бухородаги турар жойлар қизил армия самолётлари бомбардимонидан сўнг” — (1920 йил, сентябрь) тагсўзи билан иккита сурат босилган. Даҳшат ва вайронагарчилик, ёвуз ният ва босқинни тасаввур этиш учун ана шу тарихий фотосуратларга қараш кифоя...

БУХОРО ОБИДАЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЯНА БИР МИСОЛ. Яқин тарихга мурожаат қиладиган бўлсак, 1990 йили “Советская культура” газетасида 32 нафар (сонни-салмоқни қаранг!) СССР халқ депутатларининг Бухоро ёдгорликларини таъмирлаш, асрий обидаларни сақлаб қолиш ҳақидаги мурожаат хати эълон қилинган эди. Хатни академик А. Д. Сахаров, шоир Расул Ҳамзатов, космонавт В. Терешкова, ёзувчи Одил Ёқубов ва қатор машҳур жамоат, санъат, фан арбоблари имзолаган эдилар. Хўш, натижаси нима бўлди?

Орадан ўн икки ой ўтди ҳамки, ҳеч нарса ўзгармади, хат хатлигича қолиб кетди. Собиқ СССР машҳурларининг овози, қўли, ёрдами Бухорога етмади, изсиз йўқолди. Демак, хулоса шундайки, собиқ иттифоқда Ўзбекистоннинг дардига малҳам бўладиган раҳбар йўқ экан. Аниқ айтадиган бўлсак, Иттифоқ фуқароси саналсак-да, ҳақ-ҳуқуқдан, тенгликдан олисда эдик. Бунинг исботини нафақат турмуш тарзимиз — қандай яшаганимиз, балки шаҳарларимизнинг атиги ўн йил олдинги қиёфаси — обидалар сўзсиз сўзлаб турибди.

Ўшанда (собиқ СССР даврида) оддий фуқаро сифатида юрагимда шундай армон яшар эди: мамлакатнинг биринчи раҳбари ким бўлишидан қатъи назар Бухорони, Самарқандни, Хива-ю, Шаҳрисабздек шаҳарларни келиб кўрса, хулоса чиқарса, жон куйдирса, эътибор берса... Бахтга қарши уларнинг ўз юмушлари, қарашлари бор эдики, Бухоронинг дарди қулоқларига кирмас, Самарқанд-у, Шаҳрисабз улардан узоқда эди. Яна бир мисол: М.С. Горбачевнинг Тошкентга келганини яхши эслайман. Ўшанда унга хўжаликларни кўрсатишар экан, мухбирларга шундай интервью берди: **“Мен шафтоли гулини кўрмаган эдим. Бу дарахт жуда чиройли гуллар экан...”.** Тасаввур қилинг, катта бир давлатнинг раҳбари Ўзбекистонга келиб, ҳайратланган нарсаси шафтоли гули бўлди. Биз эса унинг пойи қадами шарафига зиммамизга катта-катта меҳнат мажбуриятларини олдик. **Ҳа, келиб-кетиш, яйраш, ваъдалар бериш, ақл ўргатиш, танқид қилиш, буюриш улардан, биздан эса бажариш, бўйсуниш эди.** Агар эсласангиз, собиқ СССР раҳбарлари Ўзбекистонга ҳар келиб-кетганидан сўнг, албатта ортида бир латифанамо ҳангома қолар эди...

Чор минор

Ўша дамларни хотирласанг, бугунги куннинг қадрини теранроқ англайсан, Ўзбекистон учун, унинг ҳар бир қишлоқ шаҳарларига эътибор бериб, улуғлаётган Юртбошимиз меҳнатига, ғайратига ташаккур айтгинг келади.

4.

ЮРТБОШИМИЗНИНГ БУХОРО БИЛАН БОҒЛИҚ ИККИ ТАРИХИЙ ҚАРОРИ маънавий-маърифий ҳаётимизда унутилмас воқеа бўлди. Мустақиллигимизнинг иккинчи йилидаёқ, кутилмаганда **“Баҳоуддин Нақшбандий таваллудининг 675 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақида”** Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.

Кўплар ҳали мустақиллик сўзини оғиз тўлдириб айтишга кўникмаган, дин-у, диёнат сўзларини баралла айтишга чўчиб турган, қисқаси, азиз авлиёлар зиёрати унутилган бир дамда юқоридаги қарор тафаккуримизни ларзага солди. Президент Ислом КАРИМОВ Баҳоуддин Балогардон тариқати **(“Дил ба ёр-у, даст ба кор”** — “Кўнгил Аллоҳда, қўл ишда”)нинг асл моҳиятига амал қилиб, тарбиявий, диний эътиқод йўлида яна жасорат кўрсатди, маънавий эътиқод томон йўл бошлади. Чунки эътиқодсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. **Мустақилликни миллион – миллион кишилардан иборат эътиқодсиз оломондан кўра ўнта, юзта эътиқоди мустаҳкам, имони бутун шахс ҳимоя қила олади.**

Юртбошимиз ўз фуқароларини онгини, қалбини секин-аста (аслида шиддат билан) имон-эътиқод, миллий хотира — Ўзлик каби маънавий қадриятларга йўналтирдики, буларсиз озодлик тушунчасини ҳазм қилиш мушкул эди...

“Ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш”. Матбуотимиз Юртбошимизнинг Бухоро, Қашқадарё, Самарқандга ташрифини шундай шарҳлади. Табиатнинг энг сокин, аслида эса дала-деҳқончиликда иш айни қизғин куз палласида юрт эгаси қалбида катта умид, режалар билан мамлакат бўйлаб сафарга чиқди. Унинг ҳар бир сафари қайси вилоятда кечмасин, таассуротлар, қатъий маслаҳатлар бутун мамлакатга, барчага даҳлдор бўлади.

Одамлар Президентга эргашади, унинг сўзларидан мадад олади. Ишонади. Аслида ҳам шундай-да, юрт эгаси эътиборида бўлган ҳар бир нарсага ҳурмат ҳам, қараш ҳам ўзгача бўлади. Тарбия соатлари, деймизми, сабоқ деймизми, қалин китоблар, узундан-узоқ ўгит, маърузалардан кўра Юртбошининг бир оғиз сўзи, самимий мулоқоти фуқарога кўпроқ ва тез таъсир қилади. Ҳақиқат шундай.

Ислом КАРИМОВ ўз сафарини Бухородан — Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратлари каби буюк зотларнинг ёдгорликларини зиёрат этишдан бошлаганини боқий қадриятларимизга бўлган юксак эҳтиром, улуғ аждодларимиз хотирасини эъзозлаш, деб тушунмоқ жоиз.

Тасаввур қилинг: Хожа Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи... Олти асрдан ошдики, бу муборак даргоҳдан қадам узилмайди, одамлар гоҳида яширин, гоҳида ошкора зиёратгоҳга талпинишади. Улар эзгулик, руҳан тозариш, имон-эътиқод, нажот ва таскин излаб Балогардон бобомиз хоки пойига ошиқадилар. Зоти шарифнинг хоки пойлари ёнида эгилмаган мағрур бошлар эгилади, ҳеч кимга очилмаган тош кўнгилларнинг қулфи очилади. Муқаддас даргоҳ остонасидан ўтган шоҳу гадо ўзини Яратганнинг оддий бандаси ҳисоблаб, бирбирларига тенглашадилар. Юракларда туғилган гина-кудурат, ёмонлик, ғаразгўйлик бу остонадан ичкарига ўтолмайди. Ҳазратнинг пок руҳлари инсон кўнглидаги ғуборларни тарқатиб, поклайди, руҳий мададга келади, куч бағишлайди...

— Президентимизнинг қарорлари чиққунча Бухорода шундай Авлиё ўтганлигини ҳаммамиз ҳам билмас эдик, — деб хотирлайди ўрта мактаб ўқитувчиси Файзулла Иноятов. (Ҳозир у пенсияда, ўзини буткул Нақшбандия тариқатини ўрганишга, ўргатишга, тарғиб қилишга бағишлаган). — **Маърифий билимларнинг пойдевори — асоси ёнгинамизда экан-у, биз бўлсак бошимизни қотириб, китоб титкилаб, фарзандларимизни даҳрийликка ундаган эканмиз. Алишер Навоий ўзининг “Насойим ул муҳаббат...” асарида ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида “... Хожа Али Ромитанийнинг шогирдлари Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий ўз муриди Саййид Мир Кулол билан Қасри Ҳиндувондан ўтарда дер эмишларки, “Бу туфроқдин бир эр иси келадур. Шу зоти шариф баракотидан Қасри Ҳиндувон Қасри Орифон бўлғай” деб башорат қилганлар. Бир неча фурсат ўтганидан сўнг аллома-авлиёлар яна шу қишлоқ орқали ўз манзилларига қайтаётганларида “Ҳалиги эр иси зиёдароқ бўлибдур” дейдилар. Бу пайтда Баҳоуддин таваллуд топган эканлар. Бобо Самосий Баҳоуддинни “Ул бизнинг фарзандимиздур ва биз ани қабул қилдик” деб шогирдлари Амир Сайид Кулолга унинг тарбияси билан шуғулланишни топширадилар...”**

Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи

Чиндан-да, Сайид Жалолиддин ва Биби Орифа хонадонида туғилиб камолга етган Баҳоуддин Нақшбанд шарофати билан Қасри Ҳиндувон қишлоғи Қасри Орифон, яъни орифлар қасри номини олиб, етти иқлимда маълум-у, машҳур бўлди. **Орадан минг йил ўтиб, ушбу Ориф шаҳар Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан қайта тикланди.**

Президентимизнинг кўнглига солинган ҳар эзгу иш жуда тез битади. Нега шундай, бу ҳақда ўйлаб кўрганмисиз? Нақшбандия таълимотидаги **“Ботинан ҳақ бирла, зоҳиран халқ бирла”** бўлмоқ равиши Юртбошимиз дастуриламалида яшаяпти — амал қилаяптики, буни қалбан ҳис этмоқ учун ўзгаришлар, қурилишлар — жамики ислоҳотлар моҳиятини, уларга сарфланаётган вақт, маблағ, ташаббус ва ижро ҳақида чуқурроқ ўйлаш, уларга яқинлашиш лозим. Президентимизнинг юрт учун қилган хизматларини эътироф этмаслик, Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд ва улар тариқатини халққа қайта танитишда, яқинлаштиришдаги хизматларини билмаслик, тан олмаслик шаккокликдир.

ТИЛИГА ЭРК БЕРГАНЛАР ЭЛИГА ЭРК БЕРОЛМАЙДИ

5.

ЭСИМДА, 1996 ЙИЛ 3 ЯНВАРДА ИМЗОЛАНГАН ИККИНЧИ ҚАРОР “Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида” эди. **“Икки минг беш юз ёш сайёрамизнинг камдан-кам шаҳарларигагина насиб этган,** — “Бухоро шарқ дурдонаси” китобининг сўзбошисидан олинган ушбу сатрларни Юртбошимиз ҳайратга тўлиб ёзган, нафақат ёзиш, балки намуна бўлиш, фахрланиш — “Шу азиз Ватан барчамизники!” дея Ватан моҳияти, ватанпарварлик туйғусини оддий, айни дамда жуда теран англатган ҳам Президент Ислом КАРИМОВ эди. — **Бухоро эзгулик шаҳри — қадим аждодларимиз уни шундай аташган, жаҳон маданиятининг ёрқин ва қадимий ўчоғи бўлган бу шаҳарни биз, авлодлар ҳам шундай атаймиз”.**

Қарордан сўнг Бухоро шаҳрини янгитдан қуриш, таъмирлашга киришилди. Айтиш мумкинки, Бухоро ўзининг иккинчи умрини бошлади. Минглаб намозхонларни бағрига сиғдира оладиган Масжиди Калон, Қўш мадраса, Намозгоҳ, Арк ва яна ўнлаб, юзлаб таъмирталаб иншоотлар — Бухоронинг юзи, тарихи, фахри ҳисобланмиш кўҳна обидаларга қайтадан кўрк, тароват, файз, умр бағишланди. Ўша кезлари шаҳарда бошланган таъмирлаш ва қурилиш ишларини кўриб ҳам қувонч, ҳам ўкинч таъсирида хаёлдан кўп воқеалар, йўқотишлар — зўрлик ва талонтарожликлар алами ўтади.

Нега энди шу кунгача бирорта раҳбар Бухорони тузаш ҳақида ўйламади? Ўйлаганлари бордир, балки бунга имкони етмагандир. Имкон! Кўпинча чорасиз қолганимизда, муаммоларнинг ечимини тополмаганимизда ёки истамаган пайтларимиздагина ана шу имкон сўзидан паноҳ излаймиз, суянамиз. 1920 йилдан сўнг биз шаҳар харобаларини “Бухоро халқ инқилоби” билан боғлаб, шаҳарнинг забун манзарасини табиийдек, гўё шундай бўлиши керакдек қабул қилдик ва бундан даҳшатга тушмай, ўкинмай, мутеларча яшадик.

“БУХОРО ХАЛҚ ИНҚИЛОБИ”. Ушбу мавзу узоқ йиллар Шўро мафкурасининг туб-тубига кўмилди. Тўнтариш халқ номи билан боғланди, амалга оширилди-ю, аслида эса халқдан бекитилди, сир сақланди. Мақсад: босқинчиликнинг умрини узайтириш, мустамлакачиликнинг маданий ниқобини турли шаклларда намоён этиб, ёш авлодни — бизни чалғитиш, Ватан, Миллат каби муқаддас тушунчалардан узоқда тутиш эди. Юртимизда қон билан, зўрлик билан тикланган салтанат ўз олдига қўйган мақсадига эришди. Онгимизда, шууримизда ўтмишга нисбатан лоқайдлик, душманлик руҳи кўкарди. Бу “дарахт”нинг аччиқ меваларини бадиий адабиёт, фильмлар, тарихий китоблар, картиналар, шиорлар орқали узоқ йиллар армонсиз тотдик. Биз ўттиз-қирқ ёшли авлод йиллар давомида Бухорони музей сифатида томоша қилибмиз-у, лекин эски Бухоро (шўро тузумидан кейинги атама)ни мустақил бир давлатнинг томири — асоси эканини унутибмиз.

Ўйласанг, хотирга кўп аччиқ воқеалар тушаверади. Ҳа, хотиранинг давоми узун, узундан-узоқ хотира-ю, кечмишнинг бари Ватан, Миллат, Озодлик тақдирига боғланиб, биз — авлодларнинг ҳукмига, хулосасига, чиқаражак сабоғимизга кўз тикиб турибди.

Бугун ёки эртага туғиладиган бола учун балки ўзбек халқининг қонли тарихи, озодлик йўлидаги курашлари, қатағон қурбонлари эртак бўлиб туюлар. Аммо бугун биз тенги авлоднинг мустақилликка муносабати — унинг моҳиятини тушунмаслик ёки қадрига етмаслиги, лоқайдлигини кечириш мумкин эмас. Кечагина Ўзбекистон озодлиги орзу эди. Озодлик сўзини имо-ишоралар, рамзлар билан айтган — қўллаган ижодкор сал кам қаҳрамон, ватанпарвар саналарди. Хуллас, ўша хаёлий Озодлик бугун ҳақиқатга айланганида, унинг қийинчиликлари, ташвишларини кўтаролмай, чидамай бугунни кеча билан, шакар-у, нон билан, гўшт-у, ёғ билан, қорин билан таққослайдиганлар ҳам йўқ эмас. Мустақиллик шакар эмас, аммо уни чин маънода шакарга айлантириш, умрини узайтириш, қўллаб-қувватлаш, мустаҳкамлаш учун ҳамиша, бир умр астойдил меҳнат қилмоғимиз, курашмоғимиз лозим. Юртбошимиз **“Ўтаётган ҳар бир кунимиз мустақиллик дарси бўлсин!”** деганида бизни ана шулар ҳақида огоҳлантирди.

Юрт учун, халқимизнинг тинч, осуда ҳаёт кечириши, қонун ҳимоясида хотиржам ишлаши, орзу-ҳавас кўриши учун ҳар жабҳада фидойи раҳбарлар керак. Улар осмондан тушмайди. Ёки раҳбар бўлиб туғилмайди. Президент олиб бораётган сиёсат, кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури ва тажриба — мустақилликка, Юртбошига садоқат, унга, унинг жадал бунёдкорлик ишларига ҳавас қилиш, интилиш... Буларнинг барчаси юртига, халқига ёки кичик бир жамоасига хизмат қилишни, раҳбарлик қилишни, униб-ўсишни истаган киши учун суянадиган, ишонадиган, борадиган манзил, ушлайдиган мустаҳкам тутқич ҳисобланади.

— Юртбошимиз Ислом КАРИМОВ ҳар гал шаҳримизга қадам қўйганларида Бухорога файз, барака кириб келади, — дейди суҳбат чоғида Бухоро шаҳар ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Карим Жамолович Камолов. — **Мисолларни қанчалик санамай, таърифламай, барибир, шаҳримизнинг янги қиёфасини ҳар ким ўз кўзи билан кўриб, ишонч ҳосил қилганига етмайди. Мустақиллик йилларида Бухоро шаҳри меъморчилигидаги ўзгаришлар Президентимизнинг маслаҳатлари, кўрсатмалари асосида амалга ошмоқда. Шунинг учун ҳам бухороликлар Юртбошини шаҳримизнинг фахрий меъмори деб биладилар ва бу билан фахрланадилар.**

Кечаги тарихни ҳали унутганимиз йўқ. Дунё таниган шаҳарда яшаб туриб, унинг оёқости бўлаётгани, қадим шуҳрати секин-аста унутилиб бораётганини кўриб, чидаш оғир эди. Ўшанда ҳам четдан (айниқса, капиталистик давлатлар деб қоралаб келинган юртлардан) сайёҳ келса босқиндан омон қолган, чала таъмирланган тарихий обидаларни кўз-кўз қилишарди-ю, аммо Бухоронинг, қадим меросимизнинг эртаси ҳақида ҳеч ким қайғурмасди. Бу ҳақида кўп гапириш мумкин... Келинг, яхшиси шаҳримизнинг бугунги чиройи, бугунги хурсандчилиги ҳақида суҳбатлашайлик. Бунга сабаб ҳам, далиллар ҳам етарли. Бухоро ҳақида эътирофлар кўп ва хўб ёзилган, шулардан бири:

— Ғиштдан тикланган биноларнинг бари ҳам тарихий бўлавермайди; дунёда эса тарихий ёдгорликларга эга шаҳарлар кўп, аммо улар Бухоро бўлолмайди. Бизгача етиб келган шаҳар обидалари иқтидорнинг, ниятнинг, меҳнатнинг маҳсули. Бухоро мавзуси айтган билан, ёзган билан тугамайди. Тарих-у, қадриятларимиз уммони шу жойда — Бухорода. Яхшилик истасангиз, савобдан, эзгу ниятлардан, руҳий бутунликдан умидвор бўлсангиз Бухорога келинг, қадим шаҳар улуғворлиги, тошлар сеҳри, сукутига ғарқ бўлинг...

Ҳа, бугун биз бундай ёқимли, кўтаринки сўзларни ҳеч иккиланмай, хижолатга тушмай айта оламиз. Кечагина четдан эмас, яқин вилоятлардан меҳмон келса, тарихий ёдгорликлардан бошқа нарсани кўрсата олмасдик. Сўлим, обод манзилларимиз йўқ эди. Янтоқ кўкариб, оппоқ шўр кўтарилиб ётган шаҳар гўё унутилгандек хароб қиёфада жуда хунук кўринар эди. Муваққат чоралар — юзаки таъмирлаш, безаш ишлари кўпга бормас, бирисини тузатгунча, иккинчиси уваланиб тушар эди... Бугунги Бухоро эса ана, кўз ўнгингизда, унга таърифни биз эмас, яхшиси, ўзингиз беринг. Шаҳримизнинг бугунги қиёфаси: ўн йилда таъмирланиб, янгидан қурилган, қурилаётган иншоотлар, туб ўзгаришлар ҳақида қисқагина айтганим — шу. Агар Бухоронинг биродарлашган шаҳарлар билан алоқаси, хорижий ҳамкорлар билан бунёд этилган қўшма корхоналар фаолияти, спорт соҳасидаги ғалабалар, транспорт салоҳияти, республикамиз иқтисодиётида муҳим улуш қўшаётган саноат корхоналари, олий ўқув юртлари, замонавий академик лицей, коллежлар ҳақида айтсам, каттакон бир рисола бўлади...

Ҳа, ислоҳотлар ҳақида сўрасангиз, ҳар бир раҳбарнинг ўз айтар сўзи, бажараётган, режалаштираётган ишлари бор. Бизнингча, бугун улардан “Ҳудудингда нечта киши истиқомат қилади, нечта қариянинг ҳолидан хабар олдинг, кимга қанча моддий ёрдам ёздинг?” каби рақамли саволлар эмас, жойларда ислоҳот ва уни қўллаш тадбирлари, бугунги сиёсатимизнинг асл моҳияти ҳақида сўраш керак. Юзаки раҳбар сон ва рақамларни, қоғозбозликни дўндиради-ю, бажариши лозим бўлган иш, вазифадан йироқда юради. Бугуннинг юкини тортолмайдиган, эртани кўролмайдиган раҳбар ўз-ўзидан четга чиқиб қолади. Тадбирлар қўллаётган, изланаётган, билимли раҳбарларни учратганда қувонасан киши. Худди ўз дардинг, муаммонг ҳал бўлаётгандек енгил тортасан. Муҳими, улар ўз вазифаси, масъулиятга содиқлиги билан ажралиб туради.

“ҚАЛМОҚОН” қишлоқ фуқаролар йиғинининг раиси (Шофиркон тумани) Искандар Ёдгоровдан ижтимоий ҳимоя, унинг ижроси ҳақида билмоқчи бўлганимда, у:

— Ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати, инсонпарварлик йўли ўз фуқароларини ижтимоий ҳимоялашдаги аниқ тадбирлари, амалдаги тартиблари билан белгиланади, — деб мулоҳаза юритди. — Сир эмас, шу кунгача пенсионер, нафақадор, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотганларнинг турмуш тарзи шўро мафкурасининг тағи пуч ёлғонлари билан тўсилган эди. Булар ҳақида ошкора гапириш, уларни тўлақонли фуқаролар ҳаёти билан тенглаштиришга уринишлар самара бермасди. “Совет турмуш тарзи” каби мақтовга йўғрилган ҳаёт шароитида гўё камситишлар, турли бахтсизликлар, ночорлар, ишсизлар йўқ, коммунистик партия бу каби ижтимоий муаммоларни таг-томири билан йўқотганлиги ҳақида истаганча жар солиш мумкин эди.

Бугун ҳар қанча қийинчиликларга дуч келмайлик, барибир, ҳар бир фуқаронинг сабр-бардошига, қувонч ва ташвишларига арзийдиган, иқтисодий тебранишларни енгиб ўтишга куч-қувват бағишлайдиган озодлик, ягона ватан, миллат устуворлигидек олий бахт борки, бу неъмат бир-биримизни тушунишга, ғамхўрлик қилишга, давлатимиз тадбир ва дастурларини аҳиллик билан бажаришга ундайди. Инкор этиш — номардлик, тан олмаслик инсофсизлик саналадиган бир мисол айтайми? Президентимизнинг дастлабки жасоратли, савобга лойиқ ишларидан бири, аҳолига суғориладиган ердан 350 минг гектар томорқа, уй-жой ажратгани эди. Ўша қарор туфайли 1,5 миллион оила, жами 9 миллионга яқин аҳоли манфаатдор бўлди. 1991 йилда республикамизда 700 минг янги хўжалик ташкил топди. Турмушимизни тубдан ўзгартиришга йўналтирилган бундай ҳимояни ким инкор этади? Бир парча ер учун ака укага, бола отага қарши борган, ҳатто тиғ кўтарган пайтлар ҳам бўлди. Асосий ишимиз қолиб, ҳар кун эшикма-эшик юриб, уларни муросага келтириш, яраштириш — воситачилик қилиш билан банд бўлардиг-у, аммо ер муаммосини ҳал этолмасдик. Ўшанда қишлоқда тузукроқ яшаш учун жой, маблағ, иш тополмай аламзада юрган ёш йигитларни тасаввур қилинг-а. Ахир улар ҳам шу юртнинг фарзанди эди. Ҳеч бўлмаганда юракларида оила қуриш, одамдек яшаш ниятлари бор эди-ку! Шахсий уй-жой, томорқага эга бўлмай туриб, улар қандай қилиб юксак ғоялар билан яшасинлар? Уларнинг умидлари ватандан — Ўзбекистондан эди. Уларга ўз юртларига, туғилиб ўсган заминига бўлган эгалик ҳиссини Ўзбекистон, унинг Президенти қайтарди. Бу, баъзилар ўйлаганчалик осон кўчмади. Афсуски, тилига эрк берганлар, элига эрк беролмайди...

6.

АМЕРИКАНИНГ ВИРЖИНИЯ ШТАТИда истиқомат қиладиган ватандошларимиз Сайид Қори ҳамда унинг ўғли Муҳаммад Ҳасаннинг омонати бўйнимда эди. Мавриди келмадими ё Оллоҳ йўл бермадими, ишқилиб омонатни эгасига етказиш узоққа чўзилди. Мана, орадан беш йил ўтди, қарангки, шунча фурсатдан сўнг Юртбошимизнинг Бухорога ташрифи сабаб бўлиб, уларни яна эсладим.

Бухоронинг 2500 йиллик тўйи айни куз оқшомида бошланиб, дунёнинг турли давлатларидан келган меҳмонлар, мезбонлар ҳаяжони, ҳайрати остида ўтган эди. Ота-ўғил Сайид Қори ва Муҳаммад Ҳасаннинг она юртга ташриф-зиёрати бахтли тасодиф туфайли шу қутлуғ сана нишонланадиган кунга тўғри келиб қолди. Шаҳардан чеккароқдаги оромгоҳда жойлашган меҳмонлар бу кунни сабрсизлик ва хавотир билан кутишди. Хавотир деганимнинг боиси минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йилнинг 19 октябр кунида ўтказиладиган юбилей кечасида иштирок этиш учун таклифномалар тарқатиб бўлинган, Пойи Калон майдонида ўрнатилган ўриндиқларга меҳмон-у, мезбонлар аллақачон эгалик қилишган эди. Ҳар битта жой ҳисобда, чунки илк марта нишонланаётган Бухоро юбилейида иштирок этишни ким истамайди дейсиз? Одатда бундай кунлар, саналар саноқли бўлади.

Олтмиш тўққиз йилдан сўнг она юрти Бухорога қайтган Сайид Қори бобони ҳеч бир тартиб-қоида билан, тушунтириш-у, ваъда билан овутиш қийин эди. Унинг биздан сўрагани, ўтинчи, ягона талаби: “Она шаҳримнинг тўйига мени Аллоҳнинг ўзи етказди. Бирор чорасини топинглар, шаҳримнинг тўйини кўрай. Юртидан қувилган, уй-жойи, давлати, қариндошларидан ажраган, ватанни бой берган, йўқотган мендек бечоранинг узрини шаҳар бекларига, ҳокимга етказинг, тушунтиринг, йўқса, уларнинг ҳузурига мени бошлаб боринг, арз-додимни ўзим айтаман...”

Сайид бобонинг ўғли Муҳаммад Ҳасан Бухорони тарк этишганида икки яшар бола экан. Бугун ўша икки ёшли бола 67 га тўлиб, отаси сўзлаб берган юрт, тасаввурдаги Бухорони кўриш, Ватан деган муқаддас даргоҳни ҳис этиш, таниш учун келибди. Икки яшар бола учун Ватан соғинчи қандай кечади, билмадиму, лекин отаси Сайид бобо ҳар қадамида шукрона айтиб, Аллоҳни эслаб, беш вақт намозни канда қилмади. Ҳар эрта учаламиз эски шаҳар кўчалари бўйлаб Сайид бобо туғилган хонадон — у яшаган уйни ахтарар ва тополмай қайтар эдик. Уйни бирор кишидан сўраш ёки расмий идораларга мурожаат этиб аниқлашга эса бобо изн бермасди: “Ўзим топаман...”

Тўқсонга яқинлашган чолнинг шаҳар маҳаллалари, кўчаларида тўхтаб, тин олиб, хаёл суриб уйини, туғилиб ўсган ва мажбуран ташлаб кетган гўшасини излаш, эслашга уриниши... Бобонинг ўша дамдаги изтироби қалбимда, хотирамда оғриқ билан михланиб қолди.

(Давоми кейинги сонда)

Вилоят солиқ бошқармаси маъмурий биноси

Фарз

РЎЗАДОРНИНГ МУКОФОТИ

Ҳадиси шарифларда баён этилишига кўра, рамазон ойининг боши — раҳмат, ўртаси — мағфират. Намоз ўқиб, рўза тутган кишининг мукофотлари кўпаяди ва мағфиратга эришади. Охири эса нажот — жаҳаннамдан озод бўлишдир. Мусулмоннинг гуноҳлари сабабли дўзахга тушиш эҳтимолининг йўқ бўлишидир. Яъни, жаҳаннам таҳликасини ўзидан узоқлаштиради: **“Бас, ким дўзахдан четлатилиб, жаннатга киритилса, муҳаққақ (бахт-саодатга) эришгай”** (Оли Имрон сураси, 185-оят). Бу гўзал ой уч муборак ойининг охири, ҳосилот замони ва ҳақиқатан ҳам ўн бир ойнинг султонидир.

Ибн Аббос (р.а.) фақиҳ бир саҳоба бўлиб, “Абодилаи арбаа”да келган тўрт Абдуллоҳдан бири. Ундан: “Ойларнинг энг хайрлиси қайси бири?” дея сўраганларида, у киши: **“Ойларнинг энг хайрлиси бу — рамазон ойи”** — деб жавоб берганлар.

Абу Зар Ғифорийдан(р.а.) бундай ривоят қилинади: Рамазон ойининг ҳилоли кўринган вақт Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қилиб айтдилар: **“Агар инсонлар рамазон ойида қанчалик мукофотлар (савоблар, неъматлар, раҳматлар) борлигини билсалар эди, бутун йил бўйи рамазон бўлишини орзу қилган бўлардилар”.**

Ҳаммамиз бир ой рўза тутамиз ва кечалари 33 ракъат намоз ўқиймиз. Бунинг мукофоти жуда ҳам улуғ! Бунинг қийматини билганлар ҳақиқатан ҳам Пайғамбар (с.а.в.) айтганларидек, “Қани энди бутун йил рамазон рўзаси бўлса эди”, — деб орзу қиладилар. (Муаллиф 33 ракъат деганда хуфтоннинг фарзидан олдинги 4 ракъат ғайри муаккада суннат намозини ҳам назарда тутганлар).

Демакки, бу ойни қанча эҳтиром қилсак, қанча севсак ва бу ойда қанча ғайрат қилсак, шунча оз. Шундай гўзал бир ойга етишиб турибмизки, Аллоҳга ҳамду санолар айтмасликнинг иложи йўқ!

Бу ҳадиси шарифларни мен Абдулқодир Гилоний ҳазратларининг “Зунят-ут-толибин” номли китобидан олдим. Бу китобда рўза ойига махсус боб ажратилган бўлиб, унда бошқа китобларда топиш мумкин бўлмаган маълумотлар мавжуд.

Табиийки, биз бу китобни ўқишимиз билан ул зотга савоб ёзилади. Чунки китоб — садақаи жория. Агар инсон китоб ёзса ва биров ундан фойдаланса, китоб муаллифига савоб ёзилаверади. Бир инсон талаба етиштирса ва у шогирди ислом учун, илм-маърифат учун хизмат қилса, устозига ҳам савоби етиб туради.

Сизларга бир хушхабар айтай, азиз биродарларим. Жума кунлари марҳумларга бизнинг бу дунёда қилган ишларимиз тўғрисида хабар берилади: “Сенинг дунёдаги ўғлинг, қизинг шундай иш қилди”. Улар дунёдаги авлодларининг қилган яхши амалларидан севинар эканлар, нурлари ва хурсандчиликлари янада зиёдалашар экан.

Нур дегани бу бир ёруғлик. Қаранг, агар шу ерда нур бўлмаса, кўз-кўзни кўрмайди. Нур борлиги учун ҳам унинг гўзаллиги туфайли мана, бемалол ўтирибмиз, мен эса бу китобнинг ҳарфларини кўриб турибман. Шунинг учун ҳам нур бу яхшиликдир. Ибодатларимиз сиротда олдимизга нур сочиб туради.

“Уларнинг нурлари олдиларида ва ўнг томонларида юрур” (Таҳрим сураси, 8-оят).

Мўъмин кишининг қилган ибодатлари уни олди ва орқасидан ойдинлатади, унинг фойдасини кўрадилар. Уларнинг нурлари, хурсандчиликлари ортар экан. Қабрларида мамнун ва масрур бўлар эканлар. Аммо, авлодлари ёмонлик қилсалар, ҳаром ишлар қилсалар, ўтганлар руҳи кўп ғамгин бўлар ва безовталанар экан. Сизга ҳам маълумки, ёмонликнинг икки тури мавжуд:

1. Ёмонлик қилиш.
2. Яхшилик қилмаслик.

Агар инсон фарзларни бажармаса, у ўзига бошқа бир ёмонликни қилган бўлади. Ёмонликнинг ўзини қилган бўлса, бу бошқа бир ёмонликдир.

Демак, бундан шу нарса келиб чиқадики, ҳар бир фарзанднинг ўтиб кетган ота-онаси учун энг яхши ҳадяси унинг яхши инсон бўлишидир. Чунки у қилган яхши амаллар савобининг бир мисқоли ота-онасига юборилади. У ташвиш тортмасин, унинг савобидан олиб қўйилмайди. Аллоҳ таолонинг раҳмати кенг, неъмати кўп, хазинаси сўнгсиз. Яъни, унинг савоби қанча бўлса, савоби камайтирилмасдан, ота-онасига юборилади. Масалан, Бурса ўзининг қандлари билан машҳур. Биз бу шаҳардан ўтсак, албатта унинг қанд-курсидан олиб кетамиз. Анталиянинг нимаси бор, билмадим, ёки Афённинг қаймоғи мазали, қаймоқли луқумлари бор ҳатто. Яъни, ҳар шаҳарнинг бир машҳур нарсаси бор. Аммо, “Марҳумларга нимани ҳадя қилиб юборсак бўлади?” — деб ўйлашингиз табиий ҳол. Сизнинг яхши мусулмон бўлишингиз — бу энг яхши ҳадя. Намоз ўқинг, рўза тутинг, Қуръон ўқинг, хайр-ҳасанотлар қилинг! Сиз яхши инсон бўлдингизми, охиратда ота-онангиз хурсанд бўлишади. Тушингизга кириб, сизга раҳмат айтишади. Билакс, маҳзун ҳолатда тушингизга киришади...

Ҳазрати Муҳаммад алайҳиссаломнинг изларидан юрамиз, чунки нажот фақат у зотнинг йўлидан бормоқдир. Барча диний илмларнинг манбаи у зоти баракотнинг ҳадиси шарифларида мавжуд. Қуръони Каримни Аллоҳ у зотга туширди, ваҳий келди ва у зот бизга етказдилар. Яъни, Қуръони Карим у зот орқали бизга етиб келган. Демак, Пайғамбаримиз (с.а.в.) ва у кишининг бизга топшириб кетган суннатлари бошимизнинг тожи экан. Унга лоқайд қараш мумкин эмас. Қуръони Карим менга етади, дейиш мумкин эмас. Чунки ваҳийнинг моҳиятини ақл қамраб ололмайди... Расулуллоҳ (с.а.в.) суннатлари бу — Қуръоннинг изоҳи, шарҳи, тафсири ва мужассам бир ўрнаги.

Пайғамбаримиз ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) марҳамат қиладилар: **“Рўза тутган кишининг уйқуси ибодатдир, сукути тасбиҳдир, дуоси ижобатдир ва амали(нинг савоби) икки ҳисса орттирилгайдир”.** Рўзадорнинг мукофотига қаранг! “Рўза тутган кишининг уйқуси ҳам ибодат”. Рўзадор чарчайди, ҳолсизланади, бир озгина шу ерда чўзилай, дейди. Ахир, бунинг ёзи бор, қиши бор, иссиғи бор, совуғи бор... Узун-узун кунлари бор...

Стокгольмга бордик. Шимолий Қутбга яқин бўлган жойлар. Қиш мавсуми соат 9 ларда бомдод намози бўлади. 12 га яқин пешин, 13 га яқин аср, 15 ларда шом намози ўқилади. Ёзда эса умуман тескариси: Таровиҳ намозини ўз вақтида ўқиш ҳам анча қийин. У ерда оддий ишчи бўлиб ишлайдиган биродарларимиз махсус қозонларда темир эритиб қайнатадилар. “Устоз! Иссиқлик 60-70 даража бўлганда кўзойнакни тақамиз ва нарсаларни эритиб қайнатамиз. Шундай қилиб, кемалар ясаяпмиз”, — деб айтган эдилар улар.

Шундай шароитда ҳам рўза тутишларига тўғри келади ва ўз навбатида, бундай узун муддат дам олиш керак. Кечаси ҳеч ҳам ухлай олмайдилар. Шом намозини масжидда ўқийдилар. Ифторлик қиладилар. Хуфтон намозини таровиҳ билан ўқийдилар. Кейин озгина нафасларини ростлаб, суҳбат қиладилар ва бомдод намози киради-ю, уни ўқиб, яна ишга кетадилар. Ҳақиқий фидокор инсонлар. Албатта, кундузи иш тугаганидан кейин дам олишлари лозим.

“Рўзадорнинг уйқуси ҳам ибодат”. “Гапирмаслиги, сукут сақлаши тасбиҳ бўлар экан” — “Субҳаноллоҳ” деганидек. Тўйиб гаплаша олмаганлиги учун бироз кайфияти қочади. Ана шундаги сабри-сукути ҳам савоб экан. Рўза маънан чиройли қилиб қўяди инсонни.

Уйқуси ибодат, сукут сақлаши тасбиҳ. “Дуоси эса мақбул экан”. Рўзадорнинг дуоси ижобат. Чунки у Аллоҳ яхши кўрган банда бўлишга интилаётир. У Аллоҳ учун кундузи ейиш, ичиш ва аёли билан қўшилишдан узоқлашади. Аллоҳ учун нафсининг кучли орзуларини тарк этади. У Аллоҳ учун фидокорлик қилгани сабабли уни севмоқда ва дуоси ижобат бўлмоқда. Бундай фурсатда рўзадорнинг дуосини олишга ҳаракат қилиш керак. Унинг кўнглини олиш лозим. Унга эҳсон қилиб, ифторлик қилдириш даркор. Шундай йўллар билан унинг мустажоб дуосини олишга ҳаракат қилиш зарур!

“Ва амалуҳу музоъафун”. Унинг амалининг савоби ҳам орттириб берилар экан. Яъни, рамазонда қилган ибодатлари, бошқа вақтларда қилган ибодатлари билан бир хил бўлса ҳам, рамазондаги савоби етмиш марта ортиқ. Бу озмунча фарқ эмас, жуда ҳам яхши бир мукофот.

Рамазондан ташқари бошқа вақтларда нафл намозлари ўқиганми ёки ўқимаганми, билмайман. Тунда ётишдан олдин таҳорат олиб, намоз ўқиб ётиб, кейин кеча ярмида таҳажжуд намозлари ўқиганми, мен билмайман, лекин рамазонда кунига 20 ракат таровиҳ намозини ўқиймиз. Етмишни йигирмага кўпайтирсак 1400 ракат намоз ўқигандек бўламиз. Садақа берсак ҳам, етмиш марта кўп, тасбиҳ айтсак ҳам худди шундай. Демак, ҳаммаси шундай кетаверади, ортиғи билан...

Шунинг учун ҳам баъзи оқил кишилар бу нарсанинг сирини устозларидан, улуғларидан ўрганганлари боис закотларини рамазон ойида берадилар. Закот учун бир нечта шартлар мавжуд. Шулардан бири закот бериладиган нарса қўлга тушгандан кейин бир йил шу ҳолатида туришидир! Масалан, ҳозир сиз бир қанча сўмга эга бўлдингиз, бундан шу заҳотиёқ закот бериш мумкин эмас. Бир йил ўтиши керак. Аммо баъзилар ўша миқдорни олдинроқ айириб, рамазонда берадилар.

Чунки рамазонда қилинган ҳар бир эзгу ишга етмиш марта кўп савоб берилади.

Абу Ҳусаймдан бундай ривоят қилинади: “Олдинги рамазон билан бу рамазон, олдинги ҳаж билан бу ҳаж, олдинги жумъа билан бу жумъа, олдинги намоз билан бу намоз ўз ораларидаги гуноҳларга каффоратдир, агар гуноҳи кабиралардан сақланса”. Қандай шарт билан? “Мажтунибатил кабоир”. “Катта гуноҳлардан қочган тақдирда”, бири олдингиси билан ораларидаги гуноҳларнинг кечирилишига сабаб бўлар экан.

Рамазон ойини яхши ўтказсак, ўтган рамазондан бунисигача қилган гуноҳларимиз ва қусурларимизни Аллоҳ кечиради. Жумъа намозини ҳам маромига етказиб адо қилган вақтимизда, олдинги жумъа билан буниси орасидаги гуноҳлар ўчирилади.

Ҳазрати Умар (р.а.) рамазон ойи келиши билан айтар эканлар: **“Хуш келдинг, эй ҳар лаҳзаси яхшиликларга тўла бўлган ой!”**

Кечки намоз дегани — таровиҳ намози. Аммо, баъзи ошиқу содиқлар таровиҳ намози ўқигандан кейин уйларига бориб, таҳоратлари бор, яна бир озгина намоз ўқийдилар. Уларнинг бу гўзал амалларини Аллоҳ қабул қилсин!

Ёки бўлмасам, кундузи иш билан банд бўлганлигидан таровиҳ намозидан кейин бироз чарчайдилар. Қиш фасли бўлганида кундузи ҳам қисқа, соат саккизларда ҳамма иш-ташвишлар тугайди. Кўчага чиқай деса, одамлар вақтларини яна беҳуда ишлар билан ўтказмоқдалар. Кел, дам олай, деб ухлайди ва эрта тонгда саҳарликка турадилар. Шунда таҳорат олиб, икки ракат таҳажжуд намозини ўқийдилар! Чунки бу намоз Пайғамбаримизга Қуръони каримда тавсия этилган намоз.

Бисмиллаҳир раҳмонир раҳим. “Кечанинг (бир қисмида) уйғониб ўзингиз учун нафл (ибодат) бўлган намозни ўқинг! Шоядки, Парвардигорингиз сизни (Қиёмат кунида) мақтовли (яъни, гуноҳкор уммутларингизни шафоат қилиб оқлайдиган) мақомда тирилтирур” (Ал-Исро сураси, 79-оят).

Раббимиз Пайғамбаримизга: **“Кечалари таҳажжуд намози ўқи!”** деб буюрган, тавсия қилган. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам бу намозни ҳеч қанда қилмаган эканлар. Шу боис ҳадиси шарифда бундай дейилади: **“Кечаси туриб ўқилган икки ракат намоз, дунёдан ва дунёдаги барча нарсалардан яхшироқдир”.**

Рамазондан бошқа вақт эрта тура олмаймиз. Чунки кеч ётамиз, тўйиб ухлай олмаймиз. Баъзи вақтлар ҳатто бомдод намозига туришимиз ҳам жуда қийин бўлади. Мана, сизга оддий халқнинг, авомнинг умумий аҳволи. Аммо бизнинг динимиз шундай гўзалки, ширинликлар, лаззатли таомлар баҳонасида авомнинг ҳам ҳавасини уйғотиб, рамазон ойида таҳажжудга уйғотади. Бу фазилатли ойда ярим кечаси ёш ҳам, қари ҳам, кучли ҳам, кучсиз ҳам оғирсинмасдан, “уф”ламасдан, мамнуният билан уйқудан туради. Шу боис ҳазрати Умар (р.а.): “Ҳамма нарсанинг ҳар қандай ҳолати, кундузидаги рўзаси ҳам, кечадаги намози ҳам хайрли бўлган, эй муборак ой, хуш келдинг!” — деганлар.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: Ҳазрати Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадиси қудсийда ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) хабар берадиларки: **“Аллоҳ таоло айтади: “Рўза Мен учундир ва уни Ўзим мукофотлайман!”** Унинг беҳад мукофотини ҳам Ўзим бераман, дейди Аллоҳ. Чунки рўза бу — яширин ибодат.

Намоз ўқиб турганингда ҳамма кўриши мумкин. Аммо рўза ундай эмас. Рамазонда ҳамма рўзадор, деб тахмин қилинади-ю, аммо, рамазондан бошқа вақтда инсоннинг рўзадор ёки рўзадор эмаслиги билинмайди.

Ибодатнинг пинҳонаси мақбул бўлганидан ва рўза нафснинг устидан ҳокимликни кучайтирганидан бу даврда инсон нафсига ҳоким бўлади, иродасини қувватлантиради.

Сиз дўхтирлардан сўраб кўринг, очликнинг жуда катта тиббий фойдаси бор. Мана, Бурдурда шакар фабрикаси бор. Маълум компания битганидан кейин фабрика тўхтатилади ва бутун жиҳозлар қайтадан текширилади, тоза қилинади. Яъни, кейинги компанияга тайёргарлик кўрилади. Агар шундай қилинмаса, кейинги йил учун шакар ишлаб чиқара олмайди. Чунки бутун жиҳозлар ишдан чиқиб қолиши мумкин. Инсон вужуди ҳам худди шундай. Меъдамиз бир ой дам олади. Парҳез бези ҳам, бутун ички аъзолар ҳам дам олади.

Аллоҳ таоло ҳаммамизни ғафлат уйқусидан уйғотсин, орифу огоҳ қулларидан қилсин. Ҳар бир кунимизни ризосига уйғун ўтказишимизни насиби рўзи айласин. Тавфиқини рафиқ этсин, хос қулларидан қилсин. Ҳусни хотималар билан охиратга боришимизни насиб айласин. Жаннати ва жамоли билан барчамизни хушнуд этсин.

Сайфиддин САЙФУЛЛОҲ
(Доктор Маҳмуд Асъад ЖЎШОН ҳазратларининг “Рамазон — тақво таълими” китоби асосида нашрга тайёрланди)

Мушоҳада

РАМ СОҲИБДАН ҲАММАГА САЛОМ

— Сизга айтмай юрувдим: ўша аёл бир-биридан ёқимтой икки ўғли билан Дубайдан келадиган турли кийим-кечак, газмолларимизнинг ишончли харидори эди. Мени болалари қатори “ўғлим” дерди. Ҳовлининг эркаги ҳам, аёли ҳам ўзи эди. Улар хонадонига тез-тез бориб турардим. Бир куни самолётда келадиган юкни кўтарасига бизга берсангиз, ўғилларим тўйини қилмоқчиман, деб қолди. Йўқ деёлмадим. Келган юкни ҳовлиларига, яна аллақаерлардаги омборларга ташиб олишди. Орадан бир ой, икки ой ўтди. Келишувга биноан сотувдан тушган пулнинг маълум қисмини қайтаришлари керак эди. “Моллар мавсумий экан, озгина сабр қилинг, куз келса анча фойдасига сотамиз”, дейишди. Кузга яқин юртимга кетиб, у ерда анча ушланиб қолдим — отам бетоб эдилар. Қайтиб келиб, “шерикларим”нинг пастак деворли эски ҳовлиси ўрнида данғиллама қўш қаватли иморатга кўзим тушди. Ичкарида янги чет эл русумли иккита машина. Тижоратчи ҳамкорларимга омад кулиб боққанлиги шундоқ кўриниб турар, бу ерда қандайдир шодиёнага тайёргарлик кетаётгандай эди. Онахон ният қилганидек қўшалоқ тўй тараддудига ҳам киришибди, деб ўйлаб хурсанд бўлдим. Бироқ аёлнинг кайфияти йўқроқ, негадир ўғиллари ҳам кўринишмасди.

-Рамжон, болам, — деди она анча сукутдан сўнг йиғлагудай бўлиб. -Сиздан олган юкларни ижара омборига қўйгандик. Кечаси ўғрилар қоровулнинг қўл-оёғини боғлаб, битта қўймай машиналарга босиб олиб кетибди. Милиция ҳам истаб ўғриларни тополмади. Ҳозир болаларим нима қилишга ҳайрон, -деса бўладими! Индамай ҳовлидан чиқиб кетдим. Болалари билан учрашиб “ўғилболачасига” гаплашиб олмоқчи бўлдим. Бироқ улар қорасини кўрсатмас, мени эса излашга вақтим йўқ эди. Рўзанинг охирги кунлари ўша маҳаллага қўшни турадиган, сиз яхши биласиз, Искандар деган ошнам ифторлик қилди. Ўшандан қайтатуриб йўл-йўлакай “таниш” ҳовлига кириб ўтдим. Ака-укалар уйда экан. Улар сўзимни охиригача эшитишни исташмади. Юзимга тик қараганча “туҳмат қиляпсан, шунча молни бекордан-бекорга бериб қўйармидинг. Берган бўлсанг, қани исботлайдиган ҳужжатинг?”, деб туриб олишди. Улар ёнига онаси ҳам қўшилиб, шундай шовқин кўтардики, ҳатто “бу келгиндилар жуда кутуриб кетди, ҳа демай бизга ҳам кун бермай қўяди, милицияга айтиб, шаҳардан чиқариб юбориш керак”, дейишгача бориб етди... Мен уларга ишонгандим. Она-болалар мана шундан фойдаланиб, имонсизлик йўлини тутгандилар... Қонун томондан улар ҳақ эди. Менда эса ҳеч қандай далил-ҳужжат йўқ! Худди шу пайт унча узоқда бўлмаган Кўкча масжиди томондан азон овози янграб қолди. Лекин аёлнинг чакаги тинай демасди. Мен ҳовлидан чиқиб кетаётган жойимда тўхтаб, беихтиёр қўлларимни кўкка чўзганча “Э, оллоҳ, ҳаммасига ўзинг шоҳид, ким ҳақ-у ким ноҳақлигини кўриб турибсан, шунга яраша жазойингни бер...” деб юборибман... Бу сўзлар юрагимдан садо бўлиб чиқдими, рўё каби ҳаёлимдан ўтдими, ўзим билмайман. Улар уччови орқамдан безрайиб қараб қолишганини яхши эслайман...

Хуллас, ҳаммага ҳам ишониб бўлавермас экан. Қарзга ботдим. Тижоратчи шерикларимдан дакки эшитдим. Лекин кўпни кўрган кекса отам ҳар борганимда “Ҳалол бўл. Қўлингни очиқ тут. Берган бандасидан худо ўз саховатини аямайди, юрган йўлингга қадамингни ўйлаб бос, қаергаки борсанг, азиз-авлиёлар хоки-пойи ётган муқаддас жойларни зиёрат қил, уларнинг руҳи сени қўллаб-қувватлайди”, деган сўзларни қулоғимга қуядилар. Биласизми, кеча кечаси тушимга Ганди жий (Маҳатма Ганди) кирибди. У киши баҳайбат шох-шаббаларини исирға гуллар қоплаган азим дарахт соясида бир нуроний, оппоқ либосли ҳазрат билан бирга ўтирганмиш. Атрофда тумонат одам. Мен улардан: “Ганди жий ёнларидаги Бузруг ким?” -деб сўрабман. Танимаяпсанми, Зангиота бувамиз-ку, дейишармиш... Икки ҳафтача олдин Самарқандга кетатуриб у кишининг қабрини зиёрат этиб, кўнглимга бир назр-ниёз қилиш истагини тугиб қўйгандим... Тушимда ўша аён бўлди, шекилли! Чоршанба - муродбахш кун дейдилар. Вақтингиз бўлса, Зангиота бувамга бирга бориб келсак!

— Бундай савобли ишларга вақт топмай бўладими! -дедим-да, ҳазил аралаш қўшиб қўйдим, -Шунча гап-сўзлар бўлиб ўтибди-ю индамай юраверганингизни қаранг. Яхши ҳам азиз-авлиёлар тушингизга киришибди.

— Сизни кўп эслаб тураман. Вақт етмайди, вақт... Нимасини айтасиз: ишимиз шундай! Тинчгина хонага кириб ўтирволе-еб китоб ёзиш эмас. Тинимсиз ҳаракатни талаб этади, баъзан кеча-кундузнинг йигирма тўрт соати ҳам камлик қилиб қолади. Тўрт соатдан ортиқ ухлолмайман, -деди у ўзини оқлагандай.

Тун ярмидан оққанда уни шаҳарнинг анча олис мавзесидаги ижара уйига кузатиб қўйдим.

Уйқум қочди. Рамни ўйлаб ётдим: кейинги йиллар давомида “тиллашиш”дан хабардорлигим сабаб мен учун мутлақо бегона касб эгалари - тижоратчилардан дўстларим кўпайиб кетганди. Улар тасодифан йўлиқиб қолар ёки ўзлари мени истаб-сўраб келишарди. “Тилимиз” бир бўлгани билан хаёлларимиз ўзгача эди. ...Рам соҳиб эса, бутунлай бошқа олам: тижоратчилик ҳар доим бир текисда кечадиган жараён эмас, ютиш ҳам, вақти келса ютқазиш ҳам бўлади. Бунга чидаш, ҳаммасидан ҳам инсофни унутиб қўймаслик керак, деб тушунади. Бизда катта тижоратга янада кенг уфқлар очилишидан умидвор...

Чоршанба куни азонлаб кўкчалик эсики танишим, Рамнинг ғойибона мухлиси Зуҳриддин ошпазни олиб, Кўктерак бозорига чиқдик. Эллик кило атрофида тош босадиган бир қўчқор олдик. Шунга яраша гуруч, сабзи-пиёз каби масаллиқлар олдиндан тайёрлаб қўйилганди.

Тошкентдан Янгийўлга олиб борувчи, бир пайтлар Катта Ўзбек тракти деб номланган асфальт йўл бўйлаб кета бошладик. Зангиота зиёратгоҳига етай деганимизда йўл ўртасида қўндаланг турган “Милиция” машинасига кўзимиз тушди. Катта тезликда келаётган қандайдир енгил машина ағдарилиб, дарахтга урилибди. Талофат кўрганлар бор, шунинг учун йўл берк, дейишди.

Дала йўли орқали айланиб ўтишимизга тўғри келди.

Зуҳриддиннинг қиёмига етказиб дамлаган паловидан зиёратгоҳ мутасаддилари, атроф маҳалла-кўй қариялари, узоқ-яқиндан келган зиёратчилар ҳам баҳраманд бўлишди.

Масжид имоми жамоа олдида мамлакатимиздаги тижорат ва зироат ишлари ривожига баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшиб келаётган покиза эътиқодли Рам соҳиб биродаримизга, шундай фарзандни тарбиялаб вояга етказган у кишининг оталари Чале Рам жанобга олло-таолодан сиҳат-саломатлик, ишларида ривож ҳамда баракот тилаб, узоқ дуои фотиҳа қилди.

Унда қурилишга баҳоли-қудрат ўз ҳиссасини қўшган кўплаб кишилар, ташкилот ва диний идора вакиллари, Ҳиндистон, Покистон элчихоналаридан расмийлар иштирок этишди.

Албатта Говинда Рам ҳам келганди. Негадир хомуш, кайфияти йўқроқ эди. Шериклари Ҳазан Синг, Чаранжитларнинг иши юришмаётганидан нолиб, кетиб қолишганидан хафадир деб ўйлаб, унинг кўнглини кўтармоқчи бўлдим. Лекин сабаб бошқа ёқда экан.

— Биласизми, -деди у сўниқ товушда, -анаву аёлнинг ўғиллари бор эди-ку, Янгийўлдан келатуриб, Зангиота яқинида аварияга учраганлар ўшалар экан. Яқинда Искандардан эшитиб қолдим.

Негадир вужудим музлаб кетгандай бўлди.

— Энди нима қилмоқчисиз? -дедим беихтиёр унга ер остидан қараб.

— Фарзанд доғи ёмон, онага қийин бўпти. Бунақа пайтда гина-кудуратни унутиб, кўнгил сўраш зарур деб ўйлайман. Ўша пайтда жаҳл устида айтиб юборган ёмон ниятимдан пушаймондаман!

— Уларга бу жазони худонинг ўзи лойиқ кўрганга ўхшайди. Мамлакатингизда яшовчи барча қавмларнинг “Буюк пайғамбар” таҳсинига сазовор бўлган уламо шоир Нанак Сингнинг “Адигранат” китобида “Ҳаром-ҳариш” йўллар билан топилган бойлик-олтин ўқдир, у бир кунмас - бир кун оғиздан кириб, миядан тешиб чиқади”, деган сўзларни ўқиганман.

— Бари бир кўнгил сўраш керак. Борай деяпман-у, аёл кўзига қандай қарайман-а! - бирдан Рам менга илтижоли тикилди, -Бирга борайлик!

Эртасига у айтган кўча бўйлаб юриб, ўша ҳовли қаршисидан чиқдиг-у кутилмаган вайроналикни кўрдик: ҳаммаёқ кўмир омборхонасидай қорайиб, тўзиб ётар, ўртадаги баланд иморатдан сўппайиб кўкка бўй чўзган икки-уч мўригина қолганди холос. Ҳатто қийшайиб кетган ҳашаматли дарвоза қанотлари ҳам куюндига айланган эди.

Икки кун аввал ярим тунда шамол аралаш жала ёққан пайт электрдан ўт чиқиб, аввал ошхонани, сўнг бутун иморатни олов ўз домига олибди. Ҳовли шундай ёнибдики,ҳатто ёлғиз хонадон бекасини қутқариб қолишнинг иложи бўлмабди...

Машина рулини катта йўл томон бурарканман:

— Рам,-дедим унга ўгирилиб,-сиз оққўнгил, ҳаммага яхшилик улашиб юрадиган йигитсиз! Шунинг учун буни билмаганлар ўз жазосини олди, бировга айтсанг, ёзсанг ҳам ишонмайди.

— Йўқ-йўқ, ундай деманг!- овози борича бақириб юборгандай бўлди,-Мен уларга бундай ёмонликни раво кўрмагандим. Шунчаки ўшанда... ҳаёлимданми, ўтган гаплар эди,-ҳамроҳимнинг кўзида ёш милтиллади.

Тормозни босдим-да, Рамнинг елкасига қўл ташладим:

— Ҳой, ошна, бу нимаси! Кап-катта йигит одам йиғлаяпсизми! Сизда нима айб. Балки бу тасодиф-уларнинг пешонасига шундай кўргилик битилгандир? Худонинг хоҳиши,-дедим. Сўнг машинани юргизиб, сўзимда давом этдим:- Эртага якшанба- дам олиш куни. Шундай экан, ҳар қандай баҳонани йиғиштириб, ҳозир тўғри “дача”га борамиз. Икки кун мириқиб дам олиб қайтамиз. Йўл-йўлакай, агар “Ошхона”сида бўлса, Зуҳриддинни ҳам олволамиз. У сиз ҳақингизда “Авлиё йигит экан”, деб гап тарқатиб юрибди. Бир мириқиб гурунглашмоқчи. Ўзи ажойиб, шоиртабиат одам. Яна ким, у, биласизми: Олимпиада ўйинлари бўлганда Мексикага ошпаз бўлиб борган, катта қозонда ош дамлаган. Бурнининг катта ялпоқлиги-ю ўзининг қоп-қоралигидан Африкалик деб ўйлашган. Газеталар ўзбек паловини ҳабашлар таоми деб мақтаб ёзишган.

Рамнинг юзи сал ёришиб, деди:

— Менам бу томоннинг одами бўлмаса керак, деб ўйлагандим... Лекин хушчақчақ, кўнглида кири йўқ Инсон.

Ҳаво ҳамон қизиб ётар, радио республиканинг кўплаб жойларида ҳарорат қирқ-қирқ беш даража атрофида иссиқ эканлиги ҳақида хабар берарди. Матбуот Ҳиндистонда ҳам жазирамадан кўплаб одамлар ҳалок бўлаётир, дея ваҳима тарқатарди.

Иссиқ тоғли Бўстонлиққа ҳам ўз таъсирини ўтказди. Ғир-ғир шабода эсиб турадиган дала ҳовлимизда ҳаво димиқиб қолгандай эди.

Салқинроқ жой излаб қўшни Хумсон қишлоғига ўтдик. У ерда тоғлар ичкарисидаги Сув Хўжалиги вазирлигига қарашли болалар оромгоҳи бошлиғи, эски танишимиз Ниғматилла Мирабдуллаев учраб қолди. Қўярда-қўймай машинага ўтқазиб, соя-салқин ердаги гўшаси томон олиб кетди.

Рам соҳиб дам олувчи катта-кичик болалар кўзига машҳур киноюлдузлардан бирига ўхшаб кўринди чоғи, уни ўраб саволларга кўмиб ташлашди. Бундай “қизиқиш”нинг сабаби кечағина бу ерга келтириб кўрсатилган “Али бобо ва қирқ қароқчи” номли ўзбек-ҳинд фильми экан.

Меҳмон дам олувчи ўғил-қизлар билан бўлиб ўтган қувноқ суҳбатдан шундай таъсирланиб кетдики, яқинда Ҳиндистондан “Мирза Ғолиб” фильми тасмасини олиб келганини айтиб, уни биргаликда томоша қиламиз, алоҳида баҳс юритамиз, дея ваъда бериб юборди.

Бир ҳафтадан кейин кечки пайт болалар оромгоҳи директори Ниғматулла Чорбоғдаги дала-ҳовлига кириб келди.

— Бизга ташриф буюрган Рам соҳиб ким ўзи? Кеча “Мирза Ғолиб” киносининг намойишидан кейин болаларга совға-салом улашди. Эринмасдан бир машина қилиб олиб келибди.

— Ҳайрон бўлманг, одати шунақа,- дедим каравотга ўтқазарканман,- айниқса, болалардан ҳеч нарсани аямайди. Айём кунлари ўзи яшайдиган яқин-атроф маҳалла болаларига “Ҳайитлик” улашадиган одати бор. Уни кўрган бола-бақра “Рам амаки, Рам амаки” деб ҳар томондан чопиб келаверади!

Ниғматулла овозини пастлатиб сўради:

— Шунчалик бойми? Миллионер бўлса керак!

Мен ҳам оҳиста дедим:

— Сиз ўйлаганчалик эмас. Отасининг ўғли, дуо кетган йигит. Унга Худонинг ўзи беради. Баъзан қисиб ҳам туради...

Ушанда охирги сўзни бекор айтган эканман. Худо қисмасин экан. Тижоратчи Рам соҳиб ўзи айтганидай кейинги йиллар иши юришмай “ютқазиш”дан иборат бўлди. Бироқ ён-веридаги ҳамкасбларидай тушкунликка тушгани йўқ. Кўч-кўронини йиғиштириб, бош олиб кетиб ҳам қолмади. Ўзининг “Бизнесни чидаганга чиқирган” деган шиорида қатъий турди...

Яқинда қўқонлик акахонимиз Мансурхўжа Хўжаев гап топиб келди:

— Марғилонга борсам, дув-дув гап: “Рам соҳиб қарияларни чорлаб палон чойхонада ош бераётганмиш!” Бойваччани истаб-сўраб топдим. Жуда шашти баланд. Елкасига бир туширдим! Ҳа, бойиб кетибсан-да, дедим. Йўқ, отахонларнинг олқиши бошқача бўлади, дуо олмоқчиман, дейди илжайиб.

Демак, дедим ўзимча, “Ҳимматпеша биродаримиз Рам соҳибнинг ишларига худо ривож берсин, умри зиёда бўлсин” деб дуои-фотиҳа қилинади. Бу, албатта, ижобатсиз қолмайди...

Яқинда яна бир гап эшитиб қолдим: Рам соҳиб Қашқадарёда юрганмиш. Ўз кўнглидагидай ҳамкор топиб, помидор шарбатидан ҳар хил қадоқли маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган қўшма корхона қуришга киришганмиш.

У доим куйиниб, ўзбек заминида шундай ширин-шакар мевалар, қовун-тарвуз, помидор, юзлаб тур резавор маҳсулотлари етишса-ю, нега уларни қайта ишлаб, жаҳон бозори пештахталарига олиб чиқишнинг иложи йўқ? Қачонгача айнан шу хил маҳсулотларни чет элдан келтириб, дўконларни тўлдириш мумкин, деб юрарди.

Рам соҳиб ўзини қийнаётган мана шу саволлардан бирига жавоб топган бўлса, унга омадлар тилаб, ҳаққига дуо қилайлик, яхшилар!

Зуҳриддин доно кишиларга хос мазмунли тасаннолар айтиб, унинг кўнглини кўтарган бўлди:

— Савоб иш қилиб, кўпчиликнинг дуосини олиш, худонинг марҳаматига сазовор бўлиш билан баробар, соҳиб!

Вақт чошгоҳдан оққанда шаҳарга қайтдик.

Айни саратон жазирамаси забтига олиб, ҳаво қизиб кетган, катта асфальт йўл усти сув бўлиб оқаётгандай жимирларди.

Рам машина ичига урилаётган иссиқ ҳаво тафтидан буғриқиб тер қоплай бошлаган бўйинларини даструмол билан артаркан:

— Ҳиндистон бўп кетди-е! -деб қўйди.

— Бунақа пайтларда довдастгоҳни елкалаб, Бўстонликдаги “дача”га чиқиб кетиш керак. Эндиги зиёрат ўша ёққа! -дедим Рамга ўгирилиб ва қўшиб қўйдим: -Денгиздан муздай шабода уфуриб турадиган жаннатмисол жой. Шунча гапираман, ҳали вақт топиб борганингиз йўқ!

— Жон деб боришни хоҳлайман-у кўрмайсизми, чопди-чопдидан бўшамайманда!

— Бу баҳона эмас, -дея унинг сўзини бўлдим, -одамнинг ўзига боғлиқ. Истаса имкон топилади!

У:

— Насиб қилган кун албатта борамиз, -деб қўйди.

Орадан кўп ўтмай Мирза Ғолиб маҳалласидаги масжид-мадрасанинг тантанали очилиш маросими бўлди.

Дадахон НУРИЙ

(Боши ўтган сонда).

РАМАЗОН ТАҚВИМИ

Ким рамазон рўзасини имон-ишонч билан ва савоб умид қилган ҳолда тутса, унинг олдинги гуноҳлари кечирилади.

Ҳадис

Рамазон	Ноябр Декабр	Ҳафта кунлари	Саҳарлик тугаши	Ифтор вақти
1	6	Чоршанба	5:18	17:14
2	7	Пайшанба	5:19	17:13
3	8	ЖУМА	5:20	17:12
4	9	Шанба	5:22	17:11
5	10	Якшанба	5:24	17:10
6	11	Душанба	5:26	17:09
7	12	Сешанба	5:27	17:08
8	13	Чоршанба	5:28	17:07
9	14	Пайшанба	5:29	17:06
10	15	ЖУМА	5:30	17:05
11	16	Шанба	5:31	17:04
12	17	Якшанба	5:32	17:03
13	18	Душанба	5:33	17:02
14	19	Сешанба	5:34	17:01
15	20	Чоршанба	5:35	17:00
16	21	Пайшанба	5:36	16:59
17	22	ЖУМА	5:37	16:59
18	23	Шанба	5:38	16:58
19	24	Якшанба	5:39	16:58
20	25	Душанба	5:41	16:57
21	26	Сешанба	5:43	16:57
22	27	Чоршанба	5:45	16:57
23	28	Пайшанба	5:46	16:56
24	29	ЖУМА	5:47	16:56
25	30	Шанба	5:48	16:56
26	1	Якшанба	5:49	16:56
27	2	Душанба	5:50	16:55
28	3	Сешанба	5:51	16:55
29	4	Чоршанба	5:52	16:55
30	5	Пайшанба	5:52	16:55

РЎЗА ТУТИШ (ОҒИЗ ЁПИШ) ДУОСИ

Навайту ан асума совма шаҳри ромазона минал фажри илал мағриби, холисан лиллаҳи таъала. Аллоҳу акбар.

Маъноси: Рамазон ойининг рўзасини субҳдан кун ботгунча тутмоқни ният қилдим. Холис Аллоҳ учун. Аллоҳу акбар.

ИФТОРЛИК (ОҒИЗ ОЧИШ) ДУОСИ

Аллоҳумма лака сумту ва бика аманту ва ъалайка таваккалту ва ъала ризқика афторту, ғафғирли йа Ғоффару ма қоддамту ва ма аххорту.

Маъноси: Ё Аллоҳим, ушбу рўзамни фақат Сенинг учун тутдим ва Сенга имон келтирдим ва Сенга таваккал қилдим ва берган ризқинг билан ифтор қилдим. Эй гуноҳларни афв қилувчи Зот, менинг аввалги ва кейинги гуноҳларимни мағфират қилгил.

ТАРОВИҲ ТАСБИҲИ

Субҳана зил мулки вал малакут. Субҳана зил ъиззати вал ъазомати вал қудроти вал кибрийаи вал жабарут. Субҳонал маликил ҳаййиллази ла йанаму вала йамут. Суббуҳун қуддусур Роббуна ва Роббул малаикати варруҳ. Ла илаҳа иллаллоҳу настағфируллоҳ, насъалукал жанната ва наъузу бика минан нар.

Mustaqil gazeta HURRIYAT
Ўзингни англаб ет!

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир Амирқул КАРИМОВ

Таҳрир ҳайъати: Турсунали АКБАРОВ (махсус мухбир), Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Наим КАРИМОВ, Норали ОЧИЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Исмат ХУДОЁРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Телефон: 144-25-06, 41-52-72.

Индекс:
Якка обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Отабек ОРТИҚОВ
Адади: 2627
Топшириш вақти — 21.00
Топширилди —20.00
Буюртма — Г - 1071

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Hurriyat kompyuter markazida Jamshed TOG'AEV tomonidan sahifalandi.